20___ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

31 (515) ● 2018 йил 8 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

"ЎЗБЕК МУМТОЗ ВА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ" МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Қадрли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввалambор, сиз азизларни – дунёнинг олис ва яқин турли қитъа ва минтақаларидан юртимизга ташриф буюрган муҳтарам меҳмонларимизни бугунги адабий анжуманнинг очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизларнинг ушбу нуфузли халқаро конференциядаги иштирокингизни биз биринчи навбатда ўзбек халқига, унинг қадимий ва бой маънавий меросига, замонавий адабиётига бўлган чуқур ҳурмат ва эътиборнинг амалий ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Биз сизларнинг ҳар бирингизни ўзбек адабиёти ва маданиятининг моҳир билимдони ва жонкуяр тарғиботчиси, Ўзбекистоннинг чинакам дўсти, маънавият соҳасидаги ишончли ҳамкоримиз деб биламиз ва сизларнинг олижаноб фаолиятингизни юксак баҳолаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий адабиётимизни ўз юртингизда ва халқаро майдонда беғараз тарғиб ва ташвиқ этиб келаётганингиз учун барчангизга самимий миннатдорлик изҳор этишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Ғоят муҳим ва долзарб мавзуга бағишланган ушбу конференция Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга.

Бундан йигирма етти йил олдин халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва азму қарори билан қўлга киритилган миллий мустақиллик биз учун жаҳон халқларининг эркин ва озод оиласига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш, дунё ҳамжамияти билан барча соҳаларда, жумладан, маданий-гуманитар соҳада самарали ҳамкорлик ўрнатиш имкониятини яратиб берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қадам қўймоқда. Биз миллий тикланишдан — миллий юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим ва устувор вазифа қилиб қўйдик. Бу улуғ мақсадга эса жаҳон аҳли билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшаш, очиқ демократик жамият қуриш, ҳаётимизда миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғусини янада кенг қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлигини биз яхши англаймиз.

2-бет

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК



Бой маданиятимиз, юксак маънавиятимиз, кўҳна ва бетакрор тарихимизни жаҳонга тараннум этишда адабиётимизнинг аҳамияти беқиёс. Миллий сўз санъатимизнинг ёрқин намояндалари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Эндиликда ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, бу йўналишда долзарб тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Пойтахтимизда ташкил этилган "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция миллий адабиётимиз ривожи, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборининг янада юксалишини таъминлаш, дунё халқлари билан адабий алоқаларни мустаҳкамлашдек мақсадларни кўзлаши билан диққатга сазовор бўлди.

Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган мазкур анжуманга юртимиз ва жаҳоннинг 25 давлатидан адиб ва шоирлар, мутаржимлар, адабиётшунос олимлар, мунаққидлар, ёш ижодкорлар таклиф этилди.

2-бет

Парламент — демократия мактаби

МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР МУНОЗАРАЛАР АСОСИДА ЯРАТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан янги қонун лойиҳалари муҳокамаси юзасидан мунозара ташкил этилди. Унда сиёсий партиялар фракциялари, Экоҳаракат депутатлик гуруҳи аъзолари, Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссиялари, парламент қуйи палатаси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи вакиллари, экспертлар, мутахассислар ҳамда журналистлар иштирок этди.

3-бет



Таҳлил ва таққос

ПАРТИЯ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНМОҚДА



Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Ярим йиллик сарҳисоб йиғилишларида партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолияти танқидий таҳлил этилаётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси **Бухоро** вилоят кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши танқидий-таҳлилий руҳда ўтди. Унда партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳларининг шу йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти сарҳисоби ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгайтирилган йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов иштирок этди:

— Ўтган бир йил давомида партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолияти жонланди, қуруқ гаплардан, мантиқсиз тадбирлардан воз кечдик, партиямизда мутлақо янгича тизим шаклланди. Партиямиз томонидан ҳукуматга 6 масала бўйича таклифлар киритилди. Шулар орасида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, туризмни янада ривожлантириш, жаннатмакон юртимизга сайёҳларни кўпроқ жалб этиш масаласи партия сайловолди Платформасида белгиланган асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Лекин бу борада ҳали вилоятда олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди. Бухоронинг бой тарихий меросидан унумли фойдаланиш, меъморий обидалар ва зиёратгоҳлар атрофини янада ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшиш, тарғиб-ташвиқ этиш зарур. Бунинг учун вилоятдаги партия ташкилотлари ва гуруҳлари ташаббускор бўлиши лозим.

4-бет

Фракция позицияси

ПЕНСИЯ ЁШИНИ 5 ЙИЛГА ҚИСҚАРТИРИШ: БУ ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган ҳужжатлар қуйи палата мажлисига қадар сиёсий партиялар фракциялари, шу жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳалари борасида ўз позициясини билдирди.

5-бет

Ҳукумат соати

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ВАКИЛИ ДЕПУТАТЛАРГА АХБОРОТ БЕРДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Қонунчилик палатасида "Ҳукумат соати" институтини жорий этиш бўйича таклифлар билдирилган эди. Бундай механизм ҳукумат аъзоларининг ҳисоботини эшитиш ва шу бўйича тегишли қарорлар қабул қилишда муҳим восита вазифасини ўтайди. Қолаверса, "Ҳукумат соати"нинг ўтказилиши Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган жамиятда парламентнинг ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалдаги ифодаси ҳисобланади.

Кеча — 7 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган "Ҳукумат соати"да депутатлар бирлашмаларининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари таклиф этилди. Унда Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқланган "2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури"нинг жойлардаги ижроси тўғрисидаги масала бўйича ахборот эшитилди.

3-бет

Хиёбон

ИМКОНИЯТНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ — ГЎЗАЛ ҲАЁТ АСОСИ ДЕМАК



Ўзбекистон табиий ёқилғи хомашё манбалари бўйича салоҳиятли мамлакатлар сирасига киради. Заминимизда олтин, нефть, кўмир, турли маъданлар ва умуман, Менделеев жадвалидаги барча элементлар мавжуд. Аммо бу бойликлар ҳам абадий эмас. Шу боис муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилаяпти. Муқобил энергия манбаларини ўзлаштириш эса юртимиз табиий ресурсларини келгуси авлод учун асраб қолган ҳолда, энергетикани барқарор ривожлантириш имконини беради.

Мамлакатимизда илк бор тинч мақсадларда фойдаланиш учун экологик тоза ва узоқ муддат тугамайдиган атом энергетикасини барпо этишга киришилгани ҳам ушбу соҳада янги тараққиёт цикли бошланганидан дарак бермоқда. Давлатимиз раҳбари шу йил 10 июль куни мамлакатимизда мутлақо янги соҳа бўлган атом энергетикасини барпо этиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилишда бу соҳага алоҳида эътибор қаратиш замон талаби эканини қайд этди. Атом энергетикасининг афзаллиги, дунёнинг 30дан ортиқ мамлакатида бундан самарали фойдаланилаётгани алоҳида таъкидланди.

8-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини **www.milliytiklanish.uz** сайтида, шунингдек, **fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz** ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
31 (515) 2018 йил 8 август, чоршанба

“ЎЗБЕК МУМТОЗ ВА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Айни шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўп қирали бу мавзуни бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш, келгуси вазифаларимизни белгилаб олиш, ўйлайманки, катта аҳамиятга эга.

Айниқса, ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган ғоят мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадиий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган эътиборга молик ишлар, хусусан, илм-фан, таълим-тарбия, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини изчил ривожлантириш, бозор иқтисодиёти шароитида илм ва ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, китобхонлик маданиятини ошириш каби вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани ҳақида сизлар конференция иши давомида етарлича маълумотга эга бўласиз, деб ўйлайман.

Бу ҳақда гапирганда, бир фикрга алоҳида урғу беришни ўринли, деб биламан.

Биз Ўзбекистонда **“Адабий дўстлик — абадий дўстлик”** деган чуқур маъноли тамойилга амал қилган ҳолда, жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш масаласига ғоят жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Юртимизда дунё адабиётининг бебаҳо мулки бўлган минг-минглаб асарлар таржима қилиниб, китобхонлар қалбидан жой олгани, бадиий таржима ва таржимашунослик бўйича ўзига хос ижодий мактаб шаклланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бир қаторда, асрлар давомида комил инсон тарбияси, адолатли жамият, шахс эркинлиги, Ватан озодлиги, бунёдкорлик, бағрикенглик ва байналмилалчилик, одамийлик каби ўлмас фазилатларни тараннум этиб келаётган мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга ўгириш ва чет элларда тарғиб этиш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада республикамиз таълим муассасаларида ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман тилларида таълим бериш йўлга қўйилгани, олий ўқув юртларимизда инглиз, француз, немис, испан, япон, хитой, корейс, араб филологияси махсус фан сифатида ўқитилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни вақтда бу соҳада ҳам олдимизда кўпгина долзарб ва муҳим вазифалар турганини ҳам қайд этиш зарур. Хусусан, ҳозирга қадар жаҳон адабиётидан она тилимизга таржима қилинган аксарият асарлар восита тиллар орқали амалга оширилган ва бу ҳол бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Ёш таржимонларимиз аслият тилини яхши билсалар-да, кўп ҳолларда уларда бадиий маҳорат етишмаяпти. Худди шундай ҳолатни ўзбек адабиёти намуналарини бошқа тилларга таржима қилиш соҳасида ҳам кузатиш мумкин.

Бугун мамлакатимизда сизларнинг фаол саъй-ҳаракатингиз билан биринчи бор ўтказилаётган ушбу халқаро конференция мана шундай муҳим ижодий муаммоларни атрофлича муҳокама қилиш, бу борада халқаро тажриба, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш, дўстлик алоқаларини тиклаш ва мустаҳкамлаш, ижодий уюшмалар, адабий нашрлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро борди-келдиларни йўлга қўйишга доир амалий таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилади, деб ишонаман.

Бу муҳим йўналишда биз сизлар билан ҳар томонлама самарали ҳамкорлик қилишга доимо тайёрмиз. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида сизларнинг иштирокингизда **Ўзбек адабиётининг хорижий дўстлари** кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш бу йўлдаги дастлабки амалий қадам бўлиши мумкин.

Муҳтарам дўстлар!

Бундан юз йил муқаддам буюк ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон **“Адабиёт яшаса, миллат яшар!”** деган оташин даъват билан майдонга чиққан эди.

Ҳаёт ва тарих синовларидан ўтган теран маъноли бу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотган эмас. Дарҳақиқат, адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди.

Мана шундай эзгу ва шарафли ишга ўз ҳаётини бағишлаган сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқлар, бахт ва омад, конференция ишига муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Конференция қатнашчилари дастлаб Адиблар хиёбони ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб, мамлакатимизда миллий адабиётга қаратилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар кўлами, эндиликда фаолияти давр руҳига ҳамоҳанг йўлга қўйилган мазкур ижодий ташкилотнинг фаолияти билан атрофлича танишди. Иштирокчилар Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига туташ майдондаги Ҳазрат Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Халқаро конференция ҳам шу университетда бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев ўқиб эшиттирди.

Халқимизнинг азалдан адабиётга меҳри баланд. Истиқлол йилларида миллий адабиётимизни янада равнақ топтириш янги ривожланиш босқичига кирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С.Саййид, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Д.Бадарч, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Б.Абдуҳалимов, Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги раиси, атоқли адиб Анор, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси У.Есдавлат, Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи раиси Н.Қосим, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Ш.Сирожиддинов ва бошқалар халқлар, миллатлар ўртасидаги эзгулик, дўстлик мулоқотининг кенгайишида, маънавиятнинг юксалишида адабиётнинг ўрни беқиёс эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, юртимизда адабиёт ривожига миллий маънавиятимизни тобора юксалтиришнинг муҳим воситаси сифатида эътибор қаратилмоқда. 2017 йил 3 август куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг юртимиз ижодкор зиёлилари билан бўлиб ўтган учрашувида инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакрор сўз, бадиий таъсирчан оҳанглар тараннум этишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни, деб билган ижодкор зиёлилар олдидаги муҳим вазифалар белгилаб берилган эди.

Юртимизда илк бор ўтказилаётган йирик мазмун ва форматдаги анжуманда таъкидланганидек, адабиёт аҳлининг жаҳон миқёсидаги фикр алмашинуви, турли халқлар адабий-эстетик тафаккурининг бир-бирига яқинлашуви ҳаётий заруриятдир. Ёзувчилар уюшмаси томонидан бадиий асарларни хорижий тилларга таржима қилиш мақсадида миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини аниқлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини аслиятдан таржима қилиш, бунда ёш таржимонларнинг ижодий маҳорати ва малакасини юксалтириш долзарбдир.

– Конференция иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан табрик йўллангани мамлакатингизда миллий адабиёт ривожига давлат миқёсида кўрсатилаётган эътибордан дарак беради, – дейди Теҳрон педагогика университети профессори, навоийшунос олим Ҳусайн Муҳаммадзода Сидиғ. – Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн", "Мезон ул-авзон" асарларига рисолалар ёзганман. Ул зотнинг ҳикматли сўзлари, мактубларини тўплаб, форс тилига таржима қилганман. Навоий асарлари луғатини яратдим. Ушбу конференция адабиёт аҳлининг ўзига хос ижодий мулоқот майдонига айланди.



– Анжуман жуда кўтаринки руҳда ўтмоқда, – дейди Ҳиндистоннинг Панжоб штати Ёзувчилар ассоциацияси раиси Дев Раж Бхардваж. – Ўзбек адабиётидаги муаллифлар ўз ҳиссиётларини жўшқин, бегубор, соф тарзда ифода этиши ўқувчини таъсирлантиради. Миллий адабиётингизнинг етакчи намояндаси Бобурнинг беназир ижоди ҳинд адабиётига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

– Конференция жуда қизиқарли ижодий руҳда ўтаяпти, – дейди АҚШнинг Мичиган университети аспиранти Кристофер Форт. – Амин бўлдикки, Президент Шавкат Мирзиёев адабиётга, ижодкорларга алоҳида эътибор қаратади. Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романини инглиз тилига таржима қилдим. Ҳозир ҳам айрим ўзбек асарлари таржимаси устида ишлаяпман. Менимча, ўзбек адабиётининг ўзига хослиги унда турли маданиятларнинг уйғунлигида намоён бўлади.

– Мазкур анжуман ўзбек адабиётининг турли йўналишларида тадқиқотлар олиб бораётган олимлар, ўзбек ёзувчи ва шоирлари билан атрофлича фикр алмашиш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир, – дейди Токио чет тиллар университети профессори Хисао Коматсу. – Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий асарларини япон тилига таржима қилаяпман. Бу эса ўтган аср аввалидаги ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий муҳитни, жадидчилик ҳаракатининг моҳиятини кенгроқ таҳлил этиш ва ўрганишга чорлайди. Юртингизда миллий адабиёт ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор ушбу конференция ишининг юксак савияда, жиддий ва ишчан руҳда ташкил этилаётганида ҳам яққол сезилади.

Анжуманда миллий адабиётимизни равнақ топтириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар акс эттирилган видеоролик намойиш этилди. Иштирокчилар томонидан шўъбаларга бўлинган ҳолда ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини хорижда ўрганиш ва тарғиб этиш, уларни бошқа тилларга таржима қилиш, бадиий таржима соҳасида мутахассислар тайёрлашдаги халқаро илғор тажрибалар, халқаро ижодий алоқаларни кучайтиришнинг долзарб масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Пойтахтимиздаги диққатга сазовор масканлар, кутубхона ва музейлар, тарихий қадамжолар тадбир қатнашчиларида катта таассурот уйғотди. Турли ижодий учрашув ва мулоқотлар, китоблар кўргазмаси, мушоиралар тадбирга ўзгача завқ бағишлади.

Халқаро конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдуҳакимов иштирок этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Давра суҳбати

Халқимизнинг асрий орзу-интилишлари, эзгу мақсадлари рўёбга чиққан буюк тарихий кун — 1991 йилнинг 1 сентябрь санасини юртимизда энг улуғ, энг азиз байрам сифатида доимо катта шоду хуррамлик билан нишонлаш анъанага айланган. Миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқда шиддатли демократик янгиланиш жараёнлари амалга оширилаётган бугунги кунда биз учун бебаҳо неъмат бўлган мустақилликнинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб боряпти. Истиқлол халқимизнинг тинч, осуда ва фаровон ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ — МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА КЕНГ НИШОНЛАНАДИ



Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихида мутлақо янги саҳифа очган Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма етти йиллигини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш мақсадида 2018 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда бу йилги байрам тадбирларини “Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури билан уйғун ҳолда ўтказиш кўзда тутилган. Шу кунларда жойларда буюк ва бебаҳо неъмат — Мустақиллигимизнинг 27 йиллигини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши “Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!” мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши вакиллари, Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари раислари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

— Ўтган тарихий давр биз учун ғоят муҳим бир ҳақиқатни такрор ва такрор тасдиқлаб бермоқда, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДП сайлаган депутат Турғун Азларов. — Эркин ва фаровон ҳаётимизни, буюк келажагимизни фақат мустақиллик асосида қуришимиз, халқимизни фақат мустақил сиёсат асосида рози қилишимиз мумкин. Мустақилликгина бугунги ва келгуси авлодлар учун мисли кўрилмаган имкониятлар эшигини очиб беради. Шу маънода, мамлакатимиз истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида муҳим ўрин тутади. Шундай экан, партиянинг барча даражаларидаги ташкилотлари, депутатлик корпуси, фаоллари олдида бу жараёнда фаол иштирок этиш, Истиқлолнинг аҳамиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда ўрнак бўлиш каби муҳим вазифалар турибди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши Президент қарорига мувофиқ истиқлолнинг йигирма етти йиллигига бағишлаб тегишли ташкилотлар билан биргаликда “Энг улуғ, энг азиз”, “Ранглар жилосида — она диёр”, “Ватан учун яшайлик!” каби анъанавий кўрик-танловлар, турли байрам тадбирлари ва мусобақалар ўтказишни режалаштирган. Давра суҳбатида партия Тошкент шаҳар ва туман кенгашларида байрам муносабати билан амалга ошириладиган тадбирлар мазмун-моҳияти, уларни юксак савияда ўтказиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастури тўғрисидаги” фармони келажагимиз эгалари ҳисобланмиш ёшларимиз орасида тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарди. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури эса мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали одамларга муносиб шароитларни яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Бой ва қадимий тарихимиздан маълумки, аждодларимиз томонидан маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш энг бебаҳо қадрият сифатида эъзозланиб келинади. Бундай қадриятларимизни изчил давом эттириш орқали мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб шароитлар яратиш, уларнинг турмуш маданиятини янада ошириш, энг асосийси, ёшларни хайрли ишларга даъват этиш мақсадида қабул қилинган “Обод маҳалла” дастури халқимиз томонидан муносиб кутиб олинди. Шу кунларда юртимиз бўйлаб кезиб юрган Истиқлолнинг 27 йиллик шукуҳи халқ манфаатларига қаратилган ушбу дастурлар ижросини таъминлашда бунёдкор халқимизга янгича куч-қувват бағишлаётир.

Давра суҳбатида ЎзМТДП Тошкент шаҳар ҳамда туман кенгашларининг байрам муносабати билан ўтказиладиган тадбирларга тайёргарлиги, уни янада кўтаринки руҳда ўтказиш, халқимизга ҳақиқий маънодаги байрам қувончларини улашиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди, вазифалар белгилаб олинди.

Равшан МАҲМУДОВ,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

Ҳукумат соати

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ВАКИЛИ ДЕПУТАТЛАРГА АХБОРОТ БЕРДИ



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бугун мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг энг муҳим секторларидан бири ҳисобланган туризм соҳасини ривожлантириш, юртимизнинг ҳали тўла ишга солинмаган сайёҳлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки мазкур соҳанинг янги иш ўринлари яратиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушуми, аҳолининг турмуш сифати ва даромадларини ошириш, мамлакатнинг инвестиция жозибадорлиги ва имижини яхшилашда ўрни беқиёс. Давлатимиз раҳбарининг соҳа ривожига қаратилган қатор фармон ва қарорлари ҳамда Давлат дастурлари туризмни жадал тараққий эттиришга хизмат қилмоқда. Бу жараёндаги ишларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда. Зеро, партия мамлакатимизнинг халқаро ижобий имиджини шакллантиришда туризмни самарали восита деб билади. ЎзМТДП сайловолди Платформасида соҳа ривожига кўмаклашиш борасида "Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида Бойсун, Сариосиё ва Шеробод кичик туризм зоналари ташкил этилди. Соғлиқни сақлаш ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирликларига мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, туристик маҳсулотни диверсификация қилиш, туризм соҳаси учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида тегишли таклифлар тақдим қилинди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги шу асосда 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида тиббий туризмни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини қабул қилди ва ижро этилмоқда. Шунингдек, агротуризмни ривожлантириш бўйича ҳам чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, ижрога йўналтирилди.

Таъкидланганидек, миллий сайёҳлик маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда тарғиб қилиш доирасида "Дам олиш дунёси — 2017" халқаро туризм кўргазмаси ва қатор тақдимот тадбирлари ташкил этилган. Хорижий мамлакатлар элчилари, Европа тикланиш ва тараққиёт ҳамда Жаҳон банкининг, шунингдек, "BBC", "CNN" ва "Euronews" оммавий ахборот воситалари вакиллари билан 20дан ортиқ учрашув ўтказилди. Қўмита мутасаддилари қатор халқаро туризм форумлари ва кўргазмалари, жумладан, Мадрид, Берлин, Москва, Остона, Токио, Париж, Измир шаҳарларида ташкил этилган йирик тадбирларда иштирок этди.

Мамлакатимизнинг 40дан ортиқ туризм ташкилотларига Испания, Польша, Латвия, Корея Республикаси, Малайзия, Туркия, Индонезия каби мамлакатларнинг туроператорлари билан ҳамкорлик келишувлари ўрнатишларига кўмаклашилди. Шунингдек, соҳа кадрларини тайёрлаш, уларнинг тажриба ва кўникмаларини ошириш мақсадида келишувларга эришилди. Жаҳон ҳамжамиятини мамлакатимизнинг туризм салоҳиятидан хабардор қилиш мақсадида 19 давлат оммавий ахборот воситалари вакилларининг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилди.

Депутатлар "Ҳукумат соати" доирасида Қўмита вакилига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Савол-жавоблар чоғида мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида синовдан ўтган илғор халқаро тажрибани ўрганиб, амалиётга татбиқ этиш, янги сайёҳлик йўналишларини очиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, инфратузилмаларни халқаро талаблар асосида яхшилаш, бир сўз билан айтганда, мафтункор юртимизга жаҳон сайёҳлари оқимини кенгайтириш масаласига эътиборни кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатасига киритиш зарурлиги юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Савол: — Бугунги кунда аксарият давлатлар сайёҳликдан катта даромад кўриши сир эмас. Шу боис мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йиллар давомида юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар сони қанчага ўсди? Ички ва ташқи туризмда қандай натижалар қайд этилди ва бу йўналишдак нечта сайёҳлик компаниялари очилди?

Жавоб: — 2017 йилда юртимизга жами 2 миллион 700 нафарга яқин хорижий сайёҳ келди, бу 2016 йилга нисбатан 2,7 фоизга кўп дегани. 2018 йилнинг 6 ойидаёқ 2017 йилги кўрсаткичга эришилди. Яъни сайёҳлар сони 2017 йилнинг 6 ойига нисбатан 91,6 фоизга кўпайди. Шунингдек, ички туризмни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида 2016 йилда 8 миллион 855 минг ички сайёҳ қайд этилган бўлса, улар сони 2017 йилда 10 миллион 700 мингга етди. 2018 йилда 14 миллионга етиши кутилмоқда. Бунда фақат вилоятдан вилоятга саёҳат қилиш ҳисобга олинган. Агар ҳар бир вилоятнинг ичидаги саёҳат ва зиёрат ҳам инобатга олинса, ушбу рақам янада ошиши шубҳасиз. Чунки юртдошларимиз, айниқса, зиёрат туризми доирасидаги саёҳатларда жуда фаол. Юртимиздаги сайёҳлик компаниялари 2017 йилда 600 тани ташкил этган бўлса, жорий йил ярмида 680 тага етди.

Савол: — Маълумки, туризм ривожи асосан даромадлар базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айтингчи, 2017 йил ва 2018 йилнинг ўтган 6 ойи давомида туризм мамлакатимиз иқтисодиётига қай даражада улуш қўшди? Ва бу кўрсаткич шу йилнинг охиригача қанчани ташкил этиши кутилмоқда?

— 2017 йилда туризм экспорти тушуми 1 миллиард 600 миллион долларга етди. Бу халқаро стандартларга мувофиқ равишда ҳисоблаб чиқилган. Шунингдек, туризмдан келаётган тушумни баҳолашни тўғри ташкил этиш мақсадида ҳам муайян чора-тадбирлар кўриляпти.

Йиғилиш якунида туризм соҳасидаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини олиб боришга келишиб олинди ҳамда қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Парламент — демократия мактаби

МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР МУНОЗАРАЛАР АСОСИДА ЯРАТИЛАДИ



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Акмал Саидов бошқарган тадбирда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан тайёрланган "Ёшлар ва болалар нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги ҳамда "Аёллар ва эркаклар ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Бугун мамлакатимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 642 таси (7 фоизи) бевосита ёшлар ва болалар манфаатларини ифодалайди, холос. Аҳолининг қарийб 60 фоизини 30 ёшгача фуқаролар ташкил этиши ҳисобга олинса, бу нодавлат нотижорат ташкилотлари мамлакат ёшларини тўлиқ қамраб ололмаслиги намоён бўлади. Айни шу маънода ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаолиятининг кафолатини янада мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Ёшлар ва болалар нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга.

Мунозара иштирокчилари мазкур қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама этди. Қонун лойиҳасининг долзарблиги, уни қабул қилишдан кутилаётган натижалар, молиявий маблағларни талаб қилиши, ёшлар ва болалар масалаларида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шерикликни ривожлантиришга кўрсатадиган таъсири юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ажралмас қисми сифатида ушбу йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини самарали амалга ошириши учун давлат мулкидан беғараз фойдаланиш, моддий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашда субсидиялар ажратиш, молиялаштириш асосларини янада такомиллаштириш ҳамда уларда волонтёрлик фаолиятини олиб боришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

— Ушбу қонун лойиҳаси ёшлар сиёсатига доир фаолиятнинг узвий давомидир, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Ширинов. — Шу боис мазкур қонун лойиҳаси ғоясини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Шу йилнинг 27 июлида Президентимиз жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш, бунда тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлигини таъкидлаган эди. Бу нафақат ҳуқуқни ҳимоя қилувчи соҳа ва давлат органлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам зиммасидаги муҳим вазифадир. Шу ўринда савол туғилади: ёшларга оид нодавлат нотижорат ташкилотларининг бугунги фаолияти қониқарли даражадами? Албатта, етарли даражада эмас. Аввало, уларнинг сони мамлакатимиздаги ёшларни тўла қамраб ололмайди. Қолаверса, мавжуд 600 дан ортиқ ёшларга оид нодавлат нотижорат ташкилотларининг барчаси ҳам ўз фаолиятини талаб даражасида йўлга қўймаган. Бунинг учун, аввало, давлат уларни қўллаб-қувватлаши зарур. Шу нуқтаи назардан ҳам мазкур қонун лойиҳаси жуда муҳим. Аммо уни айни ҳолатдаги таҳрирда муҳокамага қўйиб бўлмайди. Ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий нуқтаи назардан айрим камчиликлари мавжуд.

Фракция аъзолари ушбу турдаги ННТлар мақомини аниқлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Яъни ёшлар ва болалар нодавлат нотижорат ташкилотлари деганда аъзолари ва ёши чекланган ташкилотлар тушуниладими ёки у умуман болалар ва ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, ёши чекланмаган аъзолардан иборат бўлиши керакми? Қонун лойиҳасида, аввало, мана шу нарсани аниқлаштириб олиш керак.

Баҳс-мунозараларда ўз позициясини билдирган **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси** фракцияси аъзолари ёшлар ва болаларнинг ижтимоий ҳаётда шаклланиши, ривожланиши ва ўзини намоён этишида ННТлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, рағбатлантириш механизмларини шакллантиришни муҳим аҳамиятга молик масала, деб ҳисоблашини маълум қилди. Фракция, биринчи навбатда, ёшлар парламенти механизмини, ёшлар муаммоларини ўрганиш ва улар ҳақида ваколатли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилиш ҳамда Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари фаолиятига ёшлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунчилик нуқтаи назаридан тартибга солишга кўмаклашиш учун ташкил қилинадиган ННТ шаклларини жорий этишга эътибор қаратди. Шунингдек, қонун лойиҳасининг айрим нормаларидаги ғализликларни тартибга солиш зарурлигини таъкидладилар. Жумладан, бу турдаги ташкилотларга субсидия ажратиш масаласи назарда тутилмоқда. Аммо бу қатор қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган.

Фракция аъзоларининг фикрича, ёшлар ва болаларга оид ННТларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг республика ҳамда ҳудудий дастурларини амалга ошириш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳам муҳим омил ҳисобланади. Лойиҳани айни шу нуқтаи назардан такомиллаштириш, ундан сўнг қуйи палата муҳокамасига киритиш зарурлиги айтилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси "Ёшлар ва болалар нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига қўйишни таклиф этди. Боиси ёшлар ва болалар манфаатларига доир барча масалани қамраб оладиган тегишли давлат дастурларини амалга оширишда ёшлар ва болалар нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли жуда муҳим. Ўзбекистон ХДП дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, партия фракцияси қонун лойиҳасида болалар, жумладан ногирон болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ, деган фикрни илгари сурди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, аҳоли турли қатламлари манфаатларини рўёбга чиқарадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланганидан келиб чиқиб, фракция мазкур қонун лойиҳасидаги асосий ғояларни қўллаб-қувватлаган ҳолда уни янада такомиллаштириш зарурлигини илгари сурдилар. Хусусан, механизмлари аниқ белгиланмагани, бу таҳрирдаги қонун билан кейинчалик кўп қийинчиликларга дуч келиш эҳтимоли борлиги таъкидланди. Ёшлар нодавлат нотижорат ташкилотлари мақоми аниқ очиб берилмаган. Лойиҳада ёшлар парламентига тўхталинган, аммо механизмлар аниқ кўрсатилмаган. У Олий Мажлис билан келишган ҳолда фаолият юритиши белгиланмоқда. Аммо бунинг сабаби нимада? У алоҳида ННТ бўлса, ўз Низоми бўлади... Фракция аъзолари бу каби камчиликларни бартараф этиш учун лойиҳани қайта кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, "Ёшлар ва болалар нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг 16-моддасида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди маблағларининг 30 фоизидан кам бўлмаган қисми ёшлар ва болалар нодавлат нотижорат ташкилотларига ажратилиши белгиланаётгани, бироқ бу маблағларни ажратиш грант, ижтимоий буюртма ва субсидия шаклида амалга оширилиши, улар танлов асосида ажратилиши ҳисобга олинмагани, танлов талаблари белгиланмаганини қайд этди. Фракция ёшлар ва болалар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларини тартибга солиш, уларнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари лойиҳада янада мукаммал акс эттирилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари ҳам қонун лойиҳасининг ғоясини қўллаган ҳолда ундаги камчиликларга тўхталиб ўтди. Уларнинг фикрича, лойиҳада кўзда тутилаётган ёшлар парламентини ташкил этиш масаласи муҳим. Аммо ёшлар парламенти фаолиятини тартибга солиш масаласи атиги 3 моддада берилиши мақсадга мувофиқ эмас. Ёшлар парламентига оид алоҳида қонун ишлаб чиқиш зарур.

Мунозараларда парламент қуйи палатасидаги Ёшлар масалалари комиссияси вакиллари ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладиган ННТлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур лойиҳани Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг муҳим ғояларидан бири сифатида қайд этиб, уни қайта кўриб чиқиб такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, ёшлар парламенти борасида халқаро тажрибани ўрганиш, парламент билан ишлайдиган тузилма сифатидаги ўрнини белгилаб бериш керак.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари ҳам мазкур қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Уни такомиллаштириш жараёнида ҳамкорликда ишлаш ва таклифлар беришини таъкидладилар.

Мазкур қонун лойиҳаси бўйича мунозара ва муҳокамалардан келиб чиқиб, уни янада такомиллаштириш мақсадида, аввало, миллий тажрибани, қолаверса, хорижий давлатлар ва халқаро тажрибани ўрганиш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари комиссияси ҳам ўзларининг муқобил вариантини ишлаб чиқиши мумкинлиги, шунда энг яхши лойиҳани муҳокамага киритиш имконияти юзага келиши айтилди.

Тадбирда "Аёллар ва эркаклар ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам фракциялараро қизғин муҳокамага сабаб бўлди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила, Меҳнат кодекслари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари юртимизда аёл ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлигини кафолатлайди. Аммо аёл ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятлари тенглигини кафолатлайдиган ягона қонун мавжуд эмас. Шу боис лойиҳа муаллифлари томонидан таклиф этилаётган мазкур қонун лойиҳасида бу борадаги кўрсаткичлар статистикасини юритиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер экспертизаси ва бошқа қоидалар ўз аксини топмоқда.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб "Аёллар ва эркаклар ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ғояси ниҳоятда муҳимлигини таъкидладилар.

— Мазкур қонун лойиҳасида соҳага оид тушунчалар мазмуни очиб берилаётганлиги, аёллар ва эркаклар ҳуқуқ ва имкониятлари тенглиги кафолатланаётганлиги, жамоат ташкилотлари ва давлат органларининг бу борадаги ўрни ва ваколати белгилаб берилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Зумрад Бекатова. — Аммо лойиҳа камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, лойиҳада Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари ўз аксини топмаган. Маълумки, Хотин-қизлар қўмитаси нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиш билан бирга, уларнинг раислари ҳукумат аъзоси, ҳоким ўринбосари ҳисобланади. Хотин-қизларга оид кўплаб масалалар ушбу ташкилот зиммасига юклатилган. Шу боис лойиҳада унинг ролига оид меъёрлар ўз аксини топиши керак. Шунингдек, қонун лойиҳасини миллий қадриятларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Баҳс-мунозара давомида бошқа партиялар фракциялари аъзолари томонидан ҳам қонун лойиҳасининг ғояларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ундаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Шундан келиб чиқиб қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муҳтарама РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Таҳлил ва таққос

ПАРТИЯ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНМОҚДА



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ҳисобот даврида партия гуруҳлари аъзолари қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан тегишли мутасаддиларга 67, фуқароларнинг мурожаатлари асосида 133 депутатлик сўрови юборган. Бундан ташқари, партия гуруҳлари ташаббуси билан 38 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланиб, доимий комиссиялар йиғилишларида 24 таклиф муҳокама этилган. Албатта, бу рақамлар барча депутатлар фаолиятининг кўрсаткичи бўлолмайди. Депутатлик ваколатидан унумли фойдаланмаган, партия билан алоқани узган, партия ва депутатлик ишига совуққонлик билан қараётган вакиллар ҳам йўқ эмас. Шу боис халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгаши депутатлари Азим Ортиқов ва Абдумажит Ҳамидов депутатликдан муддатидан олдин чақириб олинди. Бундан кутилган асосий мақсад — депутатларимиз фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишдан иборат, — деди ЎзМТДП раҳбари.

Партия етакчиси ЎзМТДП Пешку, Ромитан, Қоракўл, Олот, Ғиждувон туман кенгашлари фаолиятини танқид қилди. Аҳоли ва депутатлар билан тизимли ишлашни ташкил этиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, депутатлик сўровларига айрим ижро ҳокимияти вакиллари жавоб бермаганлиги, бундай ҳолатда халқ вакиллари ўз ваколатларидан самарали фойдаланишида қатъиятли бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Истат Камолова танқидий руҳда кечган йиғилишда билдирилган ҳар томонлама асосли фикрлардан хулоса чиқариб, амалий ишларни янада жонлантириш ва жадаллаштириш зарурлигига эътибор қаратди. Ғиждувон туманидаги "Қўрғон" маҳалласида жойлашган Тоқи Қаймоқфурушон ҳамда турли хасталикларга даво бўлувчи тарихий Тош ҳаммом мажмуаларини қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш таклифини илгари сурди. Унинг фикрича, ушбу мажмуаларнинг қайта ишга туширилиши туризм ривожига ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Шунингдек, йиғилишда сўз олган халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Акмал Зияев партия гуруҳининг ўтган 6 ой давомидаги фаолиятига тўхталар экан, айрим депутатлар ўз ваколатидан тўлиқ фойдаланмаётгани, халқнинг ишонган вакили деган номга муносиб иш кўрсатмаётгани, бунинг оқибатида партия гуруҳи томонидан Кенгаш сессиясига бирорта ташаббус-масала киритилмаганлиги ва, албатта, танқиддан тўғри хулоса чиқарган ҳолда йил якунига қадар фаолиятда туб ўзгаришлар қилиб, ижобий натижаларга эришилишини айтиб ўтди. Хусусан, партия гуруҳи Кенгашнинг навбатдаги сессиясига 2017 йил 19 майдаги "2017-2019 йилларда Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳри туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори ижроси юзасидан масала киритиш режалаштираётганлигини билдирди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. ЎзМТДП вилоят кенгаши раисининг ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосари Мадамин Аслонов кенгаш раиси лавозими вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

Якунда партия вилоят кенгашининг жорий йил иккинчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Президентимиз Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ҳамда парламентга йўллаган Мурожаатномасида бугун сиёсий партиялар олдига қўйилаётган талаблар, уларнинг амалга ошираётган ишлари ҳамда партия фракцияси билан маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, қатор таклифларни билдирган эди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси **Қорақалпоғистон Республикаси** кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида ўтган даврдаги фаолиятга айни шу жиҳатлардан келиб чиқиб, баҳо берилди.

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, партия шаҳар ва туман кенгашлари, Жўқорғи Кенгесдаги ЎзМТДП фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари амалга ошириши лозим бўлган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

— Ўтган 6 ой давомида партия фаолиятида асосан амалий ишлар, лойиҳаларни йўлга қўйишга эътибор берилди, — деди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов. — Хусусан, "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида ўтган даврда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 38 ўқув курси ташкил қилиниб, уларда 280га яқин ёшга қўшимча бепул таълим бериб келинмоқда. Эндиликда фаолиятимизда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ", "Ёшлар — келажагимиз", "Ҳар бир оила — тадбиркор" давлат дастурларининг ижросини таъминлашга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу борада бир қатор вазифаларни белгилаб олдик. Ҳисобот даврида электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Жўқорғи Кенгес ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 293 депутатлик сўровини амалга оширди. Партия гуруҳлари ташаббуси билан 40 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланиб, маҳаллий Кенгашлар сессияларига 14 ташаббус-масала олиб чиқилди, уларнинг аксарияти ижобий ечим топди.

Йиғилишда қайд этилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилотлари ва гуруҳларида муваффақиятли амалга оширилган ишлардан яна бири "Уйма-уй" лойиҳасидир. Унинг доирасида ўтган 6 ой ичида жами 680дан зиёд хонадонга кирилди. Демак, бу камида 2 мингдан зиёд кишининг ҳолидан хабар олинди, дарду ташвишлари тингланди, деганидир. Бунинг натижасида 131 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, бир қанча ёшлар ва хотин-қизларга имтиёзли кредит берилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, ўз фаолиятида сусткашликка йўл қўйган, давлат ва жамият ҳаётига оид масалаларни ҳал қилишдаги иштироки сезилмаётган партия гуруҳлари танқид остига олинди. Хусусан, халқ депутатлари Нукус шаҳар, Элликқалъа, Тахтакўпир, Қўнғирот, Хўжайли, Беруний, Кегейли ва Нукус туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари ўтган даврда сессияга ҳамда доимий комиссиялар йиғилишларига бирорта ҳам масала киритмаган. Беруний, Қораўзак ва Нукус туман Кенгашларидаги вакилларимиз мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш ташаббуси билан чиқмаган. Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин? Юқорида номи саналган 8 шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳларимизда жами 38 депутат фаолият юритмоқда. Таъкидлаш жоиз, уларда бажариладиган ишлар, белгиланган вазифалар жадваллари мавжуд. Бу ерда масала ана шу вазифаларнинг қоғозда қолиб кетаётганидир.

— Партия гуруҳлари фоллиги ЎзМТДП дастурий мақсадларини самарали амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоялаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жолдасбай Абдижамилов. — Зеро, бугунги сайловчини қуруқ ваъдалар, ҳисоботлар билан ишонтириб бўлмайди. Дунёқараши, тафаккури тобора юксалиб бораётган аҳоли халқ вакилларидан аниқ ишлар, ташаббуслар кутади. Бу эса депутатлик мақомига сазовор ҳар қандай киши зиммасига улкан масъулият юклаши, шубҳасиз. Модомики шундай экан, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳларимиз, депутатларимиз ваколатларидан самарали фойдаланишлари, ўз фаолиятини янги босқичга кўтаришлари лозим бўлади. Бу борада барча кўрсаткичлар бўйича ўрнак бўлаётган партия гуруҳлари тажрибасини оммалаштириш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб, келгусида сайловчилар ва электорат билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали усул ва механизмларини татбиқ қилиш, ўз депутатлик ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда ташаббускорликни янада ошириш амалий натижаларга йўл очади.

Шунингдек, йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг Оила ва аёллар масалалари бўйича ўринбосари лавозимига Қорақалпоқ давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Инжайим Сейтназарова тайинланди.

Кенгайтирилган йиғилиш якунида партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг 2018 йил иккинчи ярмида амалга ошиладиган устувор вазифалари бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди ва муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *



ЎзМТДП **Андижон** вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида партия вилоят кенгаши раиси Ҳамиджон Омонов партия ташкилотларининг 2018 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари ва иккинчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида ахборот берди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова вилоятдаги партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари фаолияти борасида ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида туризм иқтисодиётнинг янада ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутиши, қўшимча иш ўринлари яратилиши, иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини ошириш, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида белгиланган. Андижон вилоятида ҳам миллатимиз тарихини ўзида мужассам этган музейлар, тарихий обида ва ёдгорликлар, шунингдек, баҳаво ва хушманзара дам олиш масканлари, муқаддас зиёратгоҳлардан иборат сайёҳлик объектлари талайгина. Ҳисобот даврида партия ташкилотлари ва гуруҳлари ташаббуси билан 20дан зиёд объект бўйича туристик йўналишлар ишлаб чиқилди, маданий мерос объектларининг умумий рўйхати тузилиб, "Андижоннинг туристик салоҳияти" номли китоб чоп этилди. Мазкур асар нафақат ҳудудни ўрганиш, балки фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

— Партия Андижон вилоят кенгаши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари шу йилнинг ярим йиллигида аҳоли ва электорат манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган самарали ишларни амалга оширди, — дейди вилоят кенгаши матбуот котиби Беҳзод Юсупов. — Жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига хизмат қиладиган 12 та масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилингани аҳолининг партия ва депутатларга нисбатан ишончини янада оширмоқда. Халқимиз бугунги янги даврда депутатларнинг масъуллиги ва иштироки кучайиб бораётганидан мамнун.

Халқ депутатлари Андижон вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари жойларда қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан депутатлик назоратини амалга ошириш борасида 224 депутатлик сўрови юборган. Шунингдек, мансабдор шахсларнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилиши, давлат дастурларининг амалга оширилиши тўғрисидаги ахборотларини эшитиш ташаббусини илгари суриб, 49 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган, доимий комиссиялар йиғилишларида 39 таклиф муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

"Уйма-уй" лойиҳаси доирасида аҳоли, айниқса, ёшлар мурожаатларини ўрганиш юзасидан тизимли ишлар ташкил этилган бўлиб, партия шаҳар ва туман кенгашлари томонидан депутатлар билан ҳамкорликда 721 хонадонга борилган. Бу жараёнга жами 2 мингга яқин ёшлар қамраб олинди. Уларнинг 119 мурожаати тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилгани эътиборга молик.

Бундан ташқари, "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида партия вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Қаҳрамон Отахонов ташаббуси билан "Гранд фарм" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида махсус ўқув курслари ташкил этилди. Айни пайтда бу ерда 232 ўқувчи таҳсил олаётир. Мазкур ўқув курсларида маҳаллий кадрлар билан бир қаторда Россия, Украина давлатларидан ташриф буюрган малакали мутахассислар ҳам таълим бермоқда. Битирувчиларга нафақат бепул таълим берилади, балки уларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам кўзда тутилмоқда.

Якунда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси **Хоразм** вилоят кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида 2018 йил биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар, партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари олдидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

— Давлатимиз раҳбарининг "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак" номли маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан партиянинг чора-тадбирлар дастури қабул қилинганига бир йил бўлди, — деди партия вилоят кенгаши раиси Ражаббой Рўзметов. — Шу асосда мамлакатимизда маънавий ислоҳотларни амалга ошириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, миллий иқтисодиётда туризмнинг салмоғини кўпайтириш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, вакиллик органларига партиямиздан сайланган депутатлар ҳамда партия ташкилотларининг фаоллигини кучайтиришга қаратилган партиявий ташаббуслар амалга оширилди. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан партия ғояси ва мафкурасини кенг жамоатчиликка етказиш, партия имиджини ошириш, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш мақсадида 300дан ортиқ давра суҳбатлари, тарғибот ишлари ўтказилди. Бироқ айрим партия туман кенгашлари бу масалаларга етарли даражада эътибор қаратмади.

— Айни пайтда маҳаллий вакиллик органларида ЎзМТДПдан сайланган 83 депутат фаолият кўрсатаётир — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси котиби Ҳусниддин Ражабов. — Ҳисобот даврида улар томонидан сессиялар кун тартибига партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга доир 11 масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Аммо халқ депутатлари Урганч шаҳар, Гурлан, Қўшкўпир ва Ҳазорасп туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан сусткашликка йўл қўйилиб, жорий йил биринчи ярим йиллигида бирорта масала сессияга олиб чиқилмаган.

ЎзМТДП фаолиятида муҳим йўналишларидан бири бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда касб-ҳунарга йўналтиришга кўмаклашиш борасида Хоразм вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари "Аёллар қаноти" томонидан қатор ишлар амалга оширилди. "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги 24 ўқув курсида 113 хотин-қиз касб-ҳунар ва тил ўрганяпти. Бу, ўз навбатида, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, аёллар орасида сиёсий етакчилар тайёрлаш, уларнинг билимларини ошириш, миллий ҳунармандчиликка жалб этиш, иқтидорларини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан партия фаоллари, депутатлар ҳамда ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

* * *

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси **Наманган** вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида партия вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ғайратжон Тўйчибоев, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Баҳодир Болтабоевнинг партия ташкилотлари ва гуруҳларининг 2018 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари ва иккинчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси юртимизда сиёсий партиялар учун яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини янгича асосда ташкил этмоқда, — деди Ғайратжон Тўйчибоев. — Партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ва депутатлар томонидан вилоятдаги маданий мерос объектлари ҳолати ўрганилди. Натижада 273 моддий маданий мерос объекти ҳақида ҳудудлар кесимида фото материаллар ҳамда улар ҳолатига доир маълумотлар жамланиб, ЎзМТДП Марказий кенгашига тақдим этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни ижроси бўйича халқ депутатлари Уйчи, Учқўрғон, Поп, Косонсой, Наманган туман Кенгашлари сессиялари кун тартибига масалалар киритилди.



— ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифаларини самарали амалга ошириш, электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда партиямиздан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Баҳодир Болтабоев. — Шу маънода 2018 йил биринчи ярим йиллигида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ташаббуси билан Кенгаш сессиялари кун тартибига 32 масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. 37 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Доимий комиссиялар йиғилишларида 29 масала муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари томонидан Наманган вилоятидаги мавжуд "Баркамол авлод" болалар марказлари, Ўзбекистон Республикаси "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунининг вилоятдаги ижроси, Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида вилоят ҳудудидаги ахборот-кутубхона марказлари фаолияти ўрганилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси асосида Поп туманидаги Чодак қишлоғида сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда ички туризмни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ўрганиб чиқилиб, бу борада тегишли маҳаллий Кенгашнинг қарори қабул қилинди.

2018 йил — "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш" йили Давлат дастури ижросини таъминлашда партиянинг фаол иштироки ва муносиб ҳиссасини таъминлаш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳисобот даврида 18 маротаба сайёр қабул ташкил этилди. Унда аҳолидан турли масала ва муаммолар юзасидан 120га яқин оғзаки ва ёзма мурожаат келиб тушди. Шундан 29 таси жойида ижобий ҳал этилиб, 40 фуқарога тегишли тавсия ва тушунчалар берилди.

Кенгайтирилган йиғилишда иштирок этган ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев, партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Дониёр Тошбоев ва бошқалар партия фаоллари ва депутатлар олдида турган вазифалар, депутатлик сўровлари натижадорлигини янада ошириш, шунингдек, Марказий кенгаш томонидан тузилган ишчи гуруҳнинг партия шаҳар ва туман кенгашлари фаолиятини ўрганиш натижалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

* * *

ЎзМТДП **Жиззах** вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ярим йиллик фаолият натижалари юзасидан ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Сарвар Назарқосимов ахборот берди.

— Бугунги ўзгариш ва янгиланишлар даври партия ходимлари ва депутатлар масъуллигини янада оширишни тақозо этади, — деди вилоят кенгаши раиси. — Айни кунда вилоятимизда ЎзМТДПдан маҳаллий вакиллик органларига сайланган 71 депутат фаолият кўрсатмоқда. Улар қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси ҳамда фуқароларнинг мурожаатлари асосида мутасадди раҳбарларга депутатлик сўрови юбориш, сессия ва доимий комиссияларга масала киритиш борасида самарали фаолият юритиб келаётир. Жумладан, ҳисобот даврида улар 201 депутатлик сўровини амалга ошириб, шундан 181 тасини (90 фоизи) ижобий ҳал этишга эришган. Қолган 20 (10 фоиз) депутатлик сўровини ҳал қилиш бўйича ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида ўтган 6 ой давомида вилоят бўйича жами 429 хонадонга кирилиб, 300дан зиёд ёшлар билан суҳбат ўтказилди. 109 нафар йигит-қиз ишга жойлаштирилди, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ёшларга 289 миллион сўм имтиёзли кредит олишига амалий ёрдам кўрсатилди, 147 нафар ишсиз ёшлар бўш иш ўринларига тавсия этилди, 203 мурожаат депутатлар назоратига олинди. Бу борада сусткашликка йўл қўйган партия туман ташкилотлари танқид остига олиниб, фаолиятни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Президентимиз қарорлари асосида вилоятда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар очиқ айтилди. Партия вилоят кенгаши томонидан ЎзМТДП дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, вилоят Маданият бошқармаси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинган эди. Шу асосда Жиззах вилоятида музейлар ва фуқароларнинг хонадонларида сақланаётган 80дан ортиқ қадимий гиламларнинг ҳолати ўрганилиб, XIX-XX асрга оид кўплаб ноёб гиламлар мавжудлиги аниқланди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилгач, мазкур масала кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди. Лекин вилоят Маданият бошқармаси ходимлари партия билан ҳамкорликда иш олиб боришда "ўзларини четга олди". Маданият бошқармаси билан партия вилоят кенгаши ўртасида чора-тадбирлар дастури мавжуд бўлишига қарамай, соҳага доир ўрганишларда ҳамкорлик етарли даражада эмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Шунингдек, йиғилишда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажармаётган туман кенгашлари ва партия гуруҳлари танқид остига олинди. Халқ депутатлари Ғаллаорол, Шароф Рашидов туман Кенгашлари депутатлари томонидан Кенгаш сессиялари кун тартибига бирорта ҳам масала киритилмаган. Ўз ваколатидан тўлақонли фойдаланолмаётган, сусткашликка йўл қўйган, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда ўзларининг таъсирини кўрсата олмаётган халқ депутатлари Зомин туман Кенгаши депутати З.Алимов, Пахтакор туман Кенгаши депутатлари А.Андаев, М.Алқаров, Фориш туман Кенгаши депутати О.Ғаффоров, Янгиобод туман Кенгаши депутати Б.Жабборов фаолияти қониқарсизлиги қайд этилиб, уларга тегишли чора кўриш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова иштирок этиб, партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби,
Умида УЗОҚОВА,
Азамат САФАР,
Оқилхон ДАДАБОЕВ,
Шоди ОТАМУРОД,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Фракция позицияси

ПЕНСИЯ ЁШИНИ 5 ЙИЛГА ҚИСҚАРТИРИШ: БУ ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Шерзод ҚУЛМАТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 28 декабрдаги "Меҳнат фаолиятини амалга оширувчи айрим алоҳида тоифадаги пенсионерларга мақбул шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонларига мувофиқ ишлаб чиқилган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгартиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси фуқароларни давлат томонидан тизимли қўллаб-қувватлашга қаратилган. Қонун лойиҳасида алоҳида тоифадаги I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёзли пенсиялар тайинлаш, шунингдек, пенсиялар тўғри тайинлангани ва тўланиши борасида ўтказилаётган текширишлар натижасига кўра аниқланган ортиқча тўловларни пенсиялардан ушлаб қолиш тартибини янада такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топмоқда. Унга кўра, эркаклар иш стажи камида 25 йил, аёллар иш стажи камида 20 йил бўлганда, умумий белгиланган пенсия ёшини 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, пенсионер бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг пенсиядан ортиқча тўланган суммаларни ундириш тўғрисидаги қароридан норози бўлганда, аниқланган қарздорликни суд тартибида ундириш масалалари ўз ифодасини топган. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.



Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси давлат божини тўлаш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Солиқ кодекси 328-моддасининг амалдаги таҳририда фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар учун бож ундириш объектини белгилашда турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича суднинг қарори устидан назорат тартибида шикоят билан мурожаат этилганда бож тўланса, иқтисодий судда тўланмайди. Худди шунга ўхшаш фарқли ҳолатлар ҳакамлик судлари фаолиятида ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 329- ва 330-моддаларида давлат божини тўлашдан озод этилган шахсларнинг, жумладан, учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб даъво бериш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари ва бошқа органларнинг рўйхати келтирилган бўлиб, уларнинг бир қисми ё судларга мурожаат этмаяпти, ё ушбу ҳуқуқдан хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини кўзлаб иш қўзғатиш мақсадидагина фойдаланяпти. Шу боис Солиқ кодексининг 329- ва 330-моддаларига айрим шахсларга бож тўлаш бўйича берилган имтиёзларни бекор қилувчи ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, маъмурий судлар ташкил этилганлиги ва уларнинг ваколатига маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўриш берилганлиги сабабли Солиқ кодекси маъмурий судларга мурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод қилинган шахсларнинг рўйхатини назарда тутувчи янги 330[1]-модда билан тўлдирилмоқда.

Солиқ кодексининг 329-, 330-моддалари судларга мурожаат этишда давлат божларини тўлашдан озод қилинган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилганда давлат божи шу шахслардан ёки манфаати кўзланиб ариза тақдим этилган шахслардан талабнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилишини белгиловчи янги қисм билан тўлдирилмоқда.



Шерзод ТЎХТАШЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Адлия органлари фаолияти тизимлилигини оширишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Ушбу қонун лойиҳаси билан 7 қонун ҳужжатига — Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги, "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги ва "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонун лойиҳасига кўра, тегишли халқ депутатлари Кенгашлари Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати эса ҳар йили Адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ҳисобот ва ахборотини эшитиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши адлия органлари фаолияти тизимлилиги даражасини оширади ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг адлия органлари фаолияти устидан назорат ваколатларини кучайтиради. Шунингдек, Адлия вазирлигининг ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Туризм ривожи — ЎзМТДП эътиборида

Юртимизнинг қадим ва бой тарихи, нодир маданий мероси улкан туризм индустрияси асоси сифатида мамлакатимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

СЕССИЯГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАР

ИЖОБИЙ ҲАЛ ҚИЛИНМОҚДА

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизнинг халқаро ижобий имижини шакллантиришда туризмни самарали восита деб билади ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Илҳом Расулов. — Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларимиз партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, аниқ чора-тадбирлар асосида иш олиб бормоқда. Улар республикамиздаги туризм манзиллари, аэропортлар, меҳмонхоналар фаолияти, уларнинг сервис ва сифат даражасини ўрганиб чиқди.

Бунда турли муаммолар, жумладан вилоятлардаги айрим меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш даражаси талабга жавоб бермаслиги, малакали мутахассислар етишмаслиги аниқланди. Демак барча ҳудудда туризмга алоқадор ташкилотлар соҳа учун кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари билан алоқани янада мустаҳкамлаши зарур бўлади. 2018 йилнинг 6 ойи давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан Кенгашлар сессияларига туризм ҳамда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича жами 20 ташаббус-масала киритилди. Сессия қарорлари қабул қилиниб, тегишли мутасаддилар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам туризм салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудуднинг сайёҳлик имконияти кенглиги, мозий ва келажакдан сўзловчи иншоотлар кўрки қорақалпоқ халқининг меҳрига йўғрилиб, меҳмонларга ўзгача сурур бахш этади. Шу боис гўшани кўришга қизиқувчилар, уларнинг урф-одатларини чуқур ўрганиш ва тадқиқ этувчилар сони кундан-кунга ортиб бораётгани бежиз эмас.

Мазкур ҳудудда туризмни ривожлантиришга қаратилган бир нечта масала партия гуруҳларимиз ташаббуси билан Кенгашлар сессияси муҳокамасига киритилди. Жумладан, халқ депутатлари Амударё туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан сессияда туманда туризм ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ва туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг ҳисоботи эшитилди. Муҳокама якунлари юзасидан қарор қабул қилиниб, вазифалар белгиланди.

Ўтган даврда мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди. Республика миқёсида тасдиқланган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, тумандаги Чилпиқ тарихий ёдгорлиги ҳудудини ободонлаштириш, дренаж ишларини олиб бориш, санитар-гигиеник шохобча қуриш, атрофида пиёдалар йўлакчасини ташкил қилиш белгиланган. Ушбу тарихий ёдгорликни туман туризм марказига айлантириш мақсадида атрофида тунги ёритиш чироқлари ўрнатиб, сайёҳлар дам олиши учун "қора уй" (ўтов)лар ҳамда овқатланиш маскани, ҳовузлар ташкил қилиш ташаббуси билан чиқилди. Хусусан, туманда дам олиш маскани ташкил қилиш бўйича "Баҳодиров Бекзоджон" оилавий корхонаси томонидан таклиф келиб тушган, ҳозирда ушбу корхонага дам олиш маскани ташкил қилиш учун "Тўлқин" овул фуқаролар йиғини ҳудудидан ер майдони ажратилиб, қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, аҳоли хонадонларини меҳмон уйларига айлантириш бўйича хонадонлар хатловдан ўтказилиб, бешта хонадон меҳмон уйлари сифатида тайёр ҳолга келтирилди.

"Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қил" дастури доирасида туман аҳолисининг бошқа туман ва шаҳарлар, тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, музейларга ташрифини ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланган "Йўл харитаси" асосида саёҳатлар уюштирилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунгача тумандаги идора ва ташкилотлар, маҳаллалар ҳамда мактаб ўқувчиларидан иборат жами 18 мингга яқин фуқаролар Нукус шаҳридаги И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейига ҳамда қадимий Хива, Бухоро, Самарқанд шаҳарларига саёҳат қилдилар. Оролбўйининг туризм ва экотуризм салоҳияти ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида каталог, китоб ва флайерлар тайёрланган.

Ҳудудда сайёҳлар оқимини кенгайтириш мақсадида замонавий меҳмонхона ва ахборот маркази қурилиши ҳам режалаштирилган. Бу борада "МПМК-304" масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳа тайёрланган.

Маълумки, ҳунармандчилик халқимизнинг бой тарихи ва маданиятидан дарак берувчи халқ амалий санъат тури саналади. Унда муайян халқнинг тарихи, маданияти акс этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "Ҳунарманд уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

— Туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар ҳудудда ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди халқ депутатлари Амударё туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Ширин Янгибоева. — Тумандаги 24 ҳунарманд билан суҳбатлашилгач, улар "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлди. "Микрокредитбанк" АТБ бугунга қадар 18 ҳунармандга жами 555 миллион сўмлик, манзилли дастурга кирган фуқароларнинг 5 нафарига 174 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратди.

Халқ депутатлари Қонликўл туман Кенгаши сессиясига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш тўғрисида"ги ташаббус-масала юзасидан қабул қилинган қарор доирасида ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда. Туманда этномаданий меросни сақланиши, миллий ҳунармандчилик ва маданий меросни тарғиб қилиш, ички туризм соҳасидаги имкониятларини юзага чиқариш мақсадида "Etno Karavan Saray" фестивали ташкил этилди. Миллатлараро дўстликни ифода этувчи маданий марказ — замонавий ва миллий "Arba" этномаданий маркази очилди. Туманда музей ҳам ташкил этилди. Ундан жами 800 га яқин экспонатлар, электротехник қурилмалар, турли йилларда фойдаланилган почта ускуналари ўрин олган. Бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар музейдан туриб яқинларига "Қонликўл" маркали конвертларда хат йўллаш имконияти яратилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, туризм истиқболли соҳа сифатида юртимиз тарихи ва маданиятини кенг тарғиб қилиб, дунё нигоҳи ва эътиборини ўзига жалб этаверади. Бу йўлда эса олдимизда турган масъулиятни ҳис этишимиз муҳим аҳамиятга эга. ЎзМТДП ҳам мана шу вазифаларни амалга ошириш йўлида кўмакдош.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат нигоҳи

"GRANT THORNTON INTERNATIONAL"

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес ташаббуслар, стартапларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс институционал ва таркибий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган чоралар самарадорлиги ва натижадорлиги етакчи халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларида холисона акс эттирилмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг "Бизнесни юритиш – 2018" ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича ислоҳотчи давлатлар қаторида жаҳонда биринчи ўнталикка кирди.

"Grant Thornton" компаниясининг Халқаро аудиторлик ташкилоти ташаббуси билан яқинда Тошкентда ўтказилган халқаро анжуман ҳам мамлакатимизда яратилган имкониятлар кўламини хорижий инвесторлар ва сайёҳларга намойиш этиш мақсадида ташкил этилди. Унда Буюк Британия, Швеция, Туркия, Бирлашган Араб Амирлиги, Македония, Литва, Латвия каби йигирмадан ортиқ давлатдан соҳа мутахассислари иштирок этди.

Аввало айтиш жоиз, аудиторлик, бухгалтерия ва консалтинг мустақил фирмаларини бирлаштирган ва бу борада уларга маслаҳат, кўмак берувчи "Grant Thornton International" халқаро ташкилотининг бош офиси Лондонда жойлашган. Ҳозирда 50 минг кишини иш билан банд қилган ушбу ташкилот дунёнинг 135 дан ортиқ давлатида фаолият юритади. Ушбу компаниянинг Ўзбекистон бозорига кириб келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, лекин "Grant Thornton" бугун мамлакатимизда молия соҳасида энг муваффақиятли фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро ташкилотлардан бирига айланди. Бир ҳафта давом этган ушбу халқаро анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда иқтисодиёт, молия, банк, инвестиция ва туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди, тадбир доирасида Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимизда бўлиб, у ердаги янгиланишлар, ўзгаришлар билан яқиндан танишди. Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнини, айниқса, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасидаги ишларни юқори баҳолади. Мутахассислар юртимизда молия муассасалари ҳисоботларини ўрганиш, таҳлил қилиш борасида халқаро аудиторлик фирмаларига ҳам кенг имкониятлар яратилганини ва алоқалар тобора ривожланиб бораётганини эътироф этди. Яна бир эътиборли жиҳати, мутахассислар халқаро анжуман жарёнида ҳамда тарихий шаҳарларга саёҳат давомида нуфузли молия ташкилотларининг газета ва журналларида, Интернет саҳифаларида ушбу анжуман ва Ўзбекистондан олган бой таассуротлари ҳақида тезкор хабарлар, материллар эълон қилиб турди. Шунингдек, улар ўзбек халқининг бой миллий урф-одатлари, тарихий обидалари, зиёратгоҳлари билан танишиш жараёнида яна бир бор лол қолганини айтиб, бу бой мерос бутун дунё сайёҳлари эътиборини тортишига ишонч билдирди.

Мутахассислар ушбу йирик тадбир замонавий ва халқаро амалиётлар уйғунлигида мамлакатимизда бизнесни ривожлантириш борасида янги таклифларни ишлаб чиқиш, ишбилармонликни тараққий эттиришга хизмат қиладиган чора-тадбирларни режалаштиришга катта имконият яратади, дея баҳолади.

Жамшид КАРИМОВ,
"Grant Thornton" компаниясининг
Халқаро аудиторлик ташкилоти бош директори,
халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига
ЎзМТДПдан сайланган депутат

Депутат фаолиятидан

52 МУРОЖААТГА ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Халқ вакилининг фидойилиги, ўз вазифасини сидқидилдан бажариши аҳоли фаровонлиги ва унинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутат Абдусалом Ҳимматов бугунги янги даврга мос фаолият кўрсатиб, сайловчилар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилаётган халқ вакилларидан бири. Буни унинг сайловчилар билан доимий алоқада бўлиб, муаммоларни ҳал этишдаги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Биз депутатлар олдидаги муҳим вазифалардан бири мутасаддилар масъуллигини ошириш, муаммоларга уларнинг эътиборини қаратиш ҳисобланади, — дейди А.Ҳимматов. — Президентимизнинг "депутатга беписандлик — халққа беписандлик, деб баҳоланиши шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўсқинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавоб беради", деган фикрлари бугунги фаолиятимизга асос бўлиши керак. Жорий йилнинг ўтган даврида юборилган 14 депутатлик сўровининг барчаси ижобий ечимини топгани, оғзаки мурожаатларимизнинг аксарияти жойида ҳал этилаётгани ишимизнинг янада унумли бўлишини таъминламоқда. Бундан, албатта, халқ рози, одамлар мамнун.

Депутатнинг ташаббускорлиги, кўпгина масалаларнинг ижобий ҳал бўлишига ёрдам бераётгани Шаҳрисабз туманидаги "Қутчи" қишлоқ фуқаролари йиғинига қарашли Ҳазора, Хитой қишлоғи аҳолисининг А.Ҳимматовга мурожаат қилишига туртки берди. Уларнинг айтишича, ҳудудда ичимлик суви муаммолигича қолаётгани аҳолига қийинчилик туғдирмоқда. Депутат мавжуд ҳолатни обдон ўрганиб, вилоят ҳокимлигига 4 маротаба депутатлик сўрови киритди. ЎзМТДП депутати олға суриб, ечимига интилаётган мазкур масала вилоят мутасаддилари эътиборини ҳам тортмай қолмади. Жорий йилнинг январь ойи охирларида Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида кўпгина муаммолар қатори "Қутчи" қишлоқ фуқаролар йиғини аҳлини ўйлантираётган бу муаммо ҳам ўртага ташланиб, ўша заҳоти ўз ечимини топди. Давлат бюджетидан салкам 1 миллиард 700 миллион сўм ажратилиб, сув қувурлари ётқизиш ишлари бошлаб юборилди.

— Умумий узунлиги қарийб 10 километр масофадан ошадиган қазув ишлари ҳадемай ўз ниҳоясига етиш арафасида, — дейди Абдусалом Ҳимматов. — Насиб этса, яқинда қувур ётқизилиб, аҳоли учун тоза ичимлик суви етказиб берилади, Қутчи ва Хитой қишлоқлари аҳолисининг бир неча йиллик орзуси ушалади.

Депутат фаолиятидан бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Жорий йил бошидан шу кунгача фуқаролардан келиб тушган 21 ёзма ва 31 оғзаки мурожаатнинг деярли барчаси ечим топиб, аҳоли манфаатлари таъминланди. 1987 йилда туғилган фуқаро Жасур Соҳибовнинг II гуруҳ ногиронлиги бўйича нафақага чиқарилгани, 11 фуқаронинг Шаҳрисабз туманидаги турли ташкилот ва муассасаларга ишга жойлаштирилгани, 12 йигит-қизга тадбиркорлик учун имтиёзли кредит ва томорқа ер ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилгани ҳамда беморлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга берилаётган моддий кўмак ва ғамхўрликлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

Бугун "Обод қишлоқ" дастури доирасида кўпгина ҳудудларнинг обод ва кўркам қиёфа касб этаётгани одамларнинг ҳаётдан ва бугунги ислоҳотлардан мамнунлигини оширмоқда. "Қутчи" ҚФЙ ҳудудида ҳам мазкур дастур доирасида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланиш арафасида. Абдусалом Ҳимматовнинг фуқаролар йиғини ҳудудида 2 сув насоси қуриш бўйича туман ҳокимлигига киритган депутатлик сўрови мазкур дастур доирасида ўз амалий натижасини берадиган бўлди. Энди қутчиликлар тоза ичимлик суви билан бирга томорқа ва дала майдонларини суғоришда ҳам ҳеч қандай муаммога дуч келмайди.

"Чоршанби-Қамар-Оммағон" автомобиль йўлининг 14-30-километри автомашиналар учун қийинчилик туғдираётган эди. Депутатнинг 16 километр масофадаги ушбу йўлни таъмирлаш ва унга асфальт ётқизиш бўйича вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасига киритган депутатлик сўрови масъуллар томонидан алоҳида эътиборга олиниб, 2018 йилги манзилли дастурга киритилди, таъмир ишлари бошланиш арафасида.

Ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис депутат Абдусалом Ҳимматовнинг аҳоли билан мулоқот ва "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида амалга ошираётган ишлари — жойларда иш билан таъминланмаган, айниқса, уюшмаган ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашаётгани ўз натижасини бераётир.

— Ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан, — дейди Абдусалом Ҳимматов. — Шундан келиб чиқиб, жойларда қонунчилик ижросини кучайтириш олдимизга қўйилган вазифаларни тўлиқ бажаришнинг кафолатидир. Бу ёшлар тарбияси ва улар бандлигини таъминлашда яхши самара бермоқда.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши
бош мутахассиси

Робита

"ЎЛАН ЁЗДИМ ЭЛГА САБОҚ БЕРМАК УЧУН..."



Қозоқ ва ўзбек халқи асрлар давомида бир дарёдан сув ичиб, ёнма-ён, елкадош бўлиб яшаб келади. Бугун бу қардошлик, дўстлик, биродарлик икки давлат раҳбарлари саъй-ҳаракатлари билан янада мустаҳкамланмоқда. Борди-келдимиз кучаймоқда, ўзаро алоқалар янги босқичда давом этмоқда. 2018 йилнинг Қозоғистонда "Ўзбекистон йили", деб эълон қилиниши икки қардош халқнинг нафақат сиёсий-иқтисодий, балки маданий-адабий алоқаларини ҳам ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Албатта, миллатлар ва халқларни бир-бирига дўсту қадрдон қиладиган омиллар жуда кўп, лекин уларнинг ичида адабиёт алоҳида ўрин тутади. Минтақамизда Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Махтумқули, Абай асарлари, Манас достони ана шундай таъсир кучига эга. Қозоқ адабиёти ҳақида сўз кетса, ўз-ўзидан буюк маърифатпарвар шоир Абай номини тилга оламиз.

Президентимизнинг 2018 йил 13 март куни қабул қилинган "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори қардош қозоқ халқига чексиз ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида улуғ шоир ижодини, маърифатпарварлик ғояларини юртимизда янада кенг ўрганиш, тарғиб қилиш борасидаги вазифаларни белгилаб берди. Қарорда таъкидланганидек, "Абай Қўнонбоевнинг шарафли номи ва бой ижодий мероси нафақат қозоқ халқи, айни пайтда, бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг ҳам қалбида безавол яшаб келмоқда."

Асл шоирлар элининг бахти бўлиб дунёга келади, дейдилар. У бедор қалб билан халқини эзгуликка, яхшиликка, маърифатга, якдилликка чорлайди. Негаки, эзгу сўзнинг уйғотувчи кучи бор. Шунинг учун ҳам уйғотувчи сўзлар абадиятга дахлдордир. Халқ ғамини ўйлаб, ўз умрини халқ бахту саодати йўлига бахшида этган шоир, даврлар ўтса ҳам халқ қалбида яшайверади.

Абай ўз интилиши ва отасининг эътибори туфайли ёшлигидан пухта билим ўрганишга киришади. Мадрасада таълим олади, араб, форс тилларини ўрганади. Шарқнинг донишманд шоир ва мутафаккирлари Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур, Нодира каби кўпдан кўп ижодкорлар асарларини тинмай мутолаа қилади. Жаҳон адабиёти дурдоналари асарлари билан танишади. Шоир ўзининг ёшлик чоғларидаги шеърларидан бирида шундай дейди:

Фузулий, Шамсий, Сайқалий,
Навоий, Саъдий, Фирдавсий,
Хўжа Ҳофиз — бу ҳаммангиз,
Мадад беринг, қилмангиз осий.

Кўриниб турибдики, Абай бу шеър орқали ўз ижоди, илғор қарашлари билан халқ меҳрини қозонган, нафақат Шарқ адабиёти, балки жаҳон шеъриятида ўз ўрнига эга бўлган шоирларга ғойибона меҳру муҳаббатини изҳор қилиб, яратгандан унга ҳам ўша сиймоларга берилганидек руҳий қувват, ижодий мадад беришини сўрайди.

Абай ижодини ўрганиш халқимиз, бугунги ёш авлод учун туркий шеъриятнинг яна бир забардаст, бетакрор шоири ижодини кашф этиш ва таҳлил қилиш имкониятини беради. Шоир шеъриятидаги умрбоқий ҳикматлар ёш авлодни билим олишга, замонанинг илғор касб-ҳунар сирларини эгаллашга, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Абайнинг шеърларини аслиятда, яъни қозоқ тилида ўқиган китобхон шоир ўз халқи қалбини, миллий руҳини қанчалар яхши билишига, сатрлар қадимий шарқона ҳикматлар, маърифий даъватлар билан тўйинганига гувоҳ бўлади, бетакрор оҳанглар ва жозибали шеъриятни ҳис қилади.

Оламга безак берган қодир мавлон,
Ер — она, қуёш — ота, нурли жаҳон.
Онадай эмиздирар кўксидан ер,
Отадай меҳр тўкар ёруғ осмон.

Оҳанглар поёнсиз даштлардан эсаётган саррин шаббодалардай юракларга ҳузур бағишлайди. Қалбни ҳикмат маъноларидан баҳраманд этади.

Ҳаволансин, қалқисин,
Ялин чўғдек балқисин.
Куйлай-куйлай ўлганда,
Авлодимга сўз қолсин.
Мендек ғариб дуч бўлса,
Бўйин солсин ўйлансин.
Қабул кўрса сўзимни,
Ким таниса шу олсин!

Эл-юрт дардида ёниқ қалб билан яшаган шоирдан авлодларга ёниқ сўз қолади. Шоир сўзининг абадиятга дахлдорлигини сезиб тургандай бу сатрларни битади: ким мени таниса, сўзимдан баҳраманд бўлсин!

Бугун бу баҳрамандлик қозоқ адабиёти чегараларидан ўтиб бутун туркий олам, жаҳонга татигулик даражага етди.

Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,
Ўтган кетган гапларни термак учун,
Юрагида ўти бор, тили ширин
Авлодимга бир сабоқ бермак учун.

Шоир бир умр ўз халқини илм олишга ундайди: "Илм топмай мақтанма, илмни қунт билан ўрган, уни яхши билган одамга дунё арзон тушади", дейди у ҳикматларидан бирида ва ёшларга қарата инсонни хароб қиладиган учта нарсадан қочиш кераклигини айтади: биринчиси, нодонлик-билимсизликдир, негаки илмсиз одам дунёни англай олмайди. Иккинчиси, эринчоқликдир, эринчоқ одам ҳеч қачон замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини эгаллай олмайди. Демак, ундай одамнинг ҳаётида ҳам ўзгариш бўлмайди. Боши қашшоқликдан, қийинчиликдан чиқмайди. Учинчиси, бу золимликдир, дейди шоир, бу дунёда одам одамга дўст бўлиб яшаши керак. Одам одамга душман бўлиб яшаса, зулм қилса, у ҳайвон кабидир, дейди.

Халқ дардида яшаган, ўз халқи камоли, келажагини ўйлаган ҳар қандай уйғоқ қалбли инсон биринчи навбатда халқига муносиб мерос қолдиришга интилади. Абайдан 300 га яқин шеърий асар, "Искандар", "Масъуд", "Азим ҳикояси" қаби бир қанча достонлар қолди. Унинг асарларида халқларни дўстликка даъват этиш ғояси асосий ўрин эгаллайди. Бу ўринда шоирнинг "Эй муҳаббат, эй дўстлик", "Йигитлар", "Ўйин арзон, кулги қиммат", "Кўзимнинг қораси", "Қиз сўзи", "Йигит сўзи", "Ошиқ сўзи — тилсиз сўз" каби асарлари алоҳида эътиборга моликдир.

Юрагимни тимдалар
Қўшиқ билан ширин куй.
Кўнглимга турли ўй солар,
Қўшиқ суйсанг, мени суй.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, шоир ҳам қозоқ халқ куйларини тўплайди, ҳам ўзи куйлар яратади, бугунги кунда бу куйлар халқ руҳиятининг мусиқий тимсоли сифатида қозоқ халқи маданияти ва санъатининг энг нодир намуналари сифатида қадрланади.

Абай шеъриятида ҳаёт, аввало меҳр билан, муҳаббат, дўстлик, садоқат, эзгулик, инсонпарварлик, олийҳимматлик каби фазилатлар билан тотли, деган ғоя илгари сурилади. Шоир адабий мероси бу халқчил шеърият, халқни, башариятни эзгуликка, яхшиликка чорловчи шеърият. Шунинг учун ҳам у безавол яшаб келяпти. Халқларни бир-бирига яқин қиладиган, боғлайдиган омиллар жуда кўп. Таъкидлаб ўтганимиздек, бу ўринда адабиёт алоҳида аҳамият касб этади. Адабий кўприк бу қалбдан қалбга солинган кўприкдир. Шунинг учун ҳам у мустаҳкам бўлади.

Абай шеърияти ҳеч шубҳасиз, авлодларни улуғ, инсоний мақсадлар йўлида тарбия қилади. Мамлакатимизда шоир ижодий меросини ўрганиш борасида янги қадамлар қўйилмоқда, ижодий изланишлар давом этмоқда.

Ўлди деса бўладими, айтинглар-чи,
Орқасида ўлмайдиган сўз қолдирган?

Ҳа, ўз ижоди билан халқига ўлмайдиган сўз қолдира олган шоир ҳамиша барҳаёт, абадиятга дахлдордир. Шунинг учун у барча даврларда ҳам севиб тилга олинади.



Минҳожиддин МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари

Янги сайёҳлик манзиллари

Ҳар бир халқ, миллатнинг ўз тарихи, маданияти бор. Агар бу тарих қанчалик қадимий, маданият бой бўлса ва буни ўша халқ билса, ҳис қилса, миллатнинг бугуни фаровон, истиқболи порлоқ бўлади.

"УЛЛИ ҲОВЛИ" САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

...Ўзбек ва туркман халқларининг тили ва урф-одатлари бир-бирига яқин, маданияти уйғун, адабиёти ва санъати умумий. Бугунги кунда Хоразм вилояти Урганч туманидаги Ғойбу қишлоғида минглаб туркманлар ўзбеклар билан аҳил-иноқликда, бир оила вакилларидек яшаб келмоқда. Уларнинг ўз она тилларида таълим олиши, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу ҳудудда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлик ишлари амалга оширилди. Янгиланган лойиҳадаги уй-жойлар, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаби, оилавий поликлиника қад ростлади. Қисқа муддатда замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида "Ўзбек-туркман дўстлик уйи" бунёд этилди, унинг қаршисида туркман шоири Махтумқули Фироғийнинг бюсти қад ростлади.

Шу ўринда айтиш жоиз, жорий йилнинг 24 апрель куни Ғойбу қишлоғига Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари раҳбарлари ташриф буюриб, халқларимиз дўстлиги рамзи сифатида барпо этилган ушбу иншоотни бориб кўрди. Бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Бинода икки мингдан зиёд туркман, ўзбек ва жаҳон адабиёти фондига эга кутубхона, икки халқнинг кўп асрлик тарихий дўстлигини ифодаловчи музей, турли фан ва санъат тўгараклари хоналари ва икки юздан ортиқ ўринга эга фаоллар зали жой олган.

Ҳудуддаги бой тарихга эга қадамжолар, муқаддас зиёратгоҳлар бу ерда зиёрат туризмини жорий этиб, нафақат маҳаллий балки, хорижлик сайёҳлар оқимини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Вилоятдаги қадим масканлардан бири — "Улли ҳовли" ёдгорлик мажмуаси ҳам шу қишлоқда жойлашган, — дейди Хоразм вилояти ўзбек-туркман дўстлик жамияти раиси Давлатназар Ражабов. — XVII асрга оид ушбу мажмуада Хива хонлиги давридаги қадимий ҳовлилар, турли осори-атиқалар, уларни ўраб турган қўрғон сақланиб қолган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мажмуада кенг кўламли таъмирлаш ва реставрация ишлари амалга оширилди. Мажмуада сайёҳлик ва зиёрат туризмини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Йигирма ўринли меҳмонхона қурилди. Туркман ўтовлари ўрнатилди. Сайёҳлик ва зиёрат туризми учун барча шароит яратилди.



Ўн еттинчи асрга тегишли бўлган ушбу мажмуани таъмирлаш ишларида бинонинг асл тарихий ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Мазкур обида салкам бир гектар майдонни эгаллаган ҳимоя қўрғони билан ўралган. У бу ерда истиқомат қилган оилаларнинг хавфсизлигини таъминлаган. Бу ерда туркман халқининг миллий маданиятига тегишли осори-атиқалар бор.

"Улли ҳовли" ёдгорлик-мажмуасида ташкил этилган "Ўзбекистон ва Туркманистон — истиқлол йилларида" номли кўргазмада халқларимиз мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлари ўз аксини топган. Бу ерда "устоз-шогирд" анъанаси асосида тўқувчилик, тикувчилик, наққошлик, заргарлик, каштадўзлик каби ўндан ортиқ тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Ёдгорлик-мажмуасига қўйилган ранг-баранг экспонатлар, халқларимизнинг бебаҳо мероси, маданияти, нодир ҳунармандлиги намуналари сайёҳларда катта таассурот қолдирмоқда.

Сайёҳлар бу ерда тегирмонларда ун ва гуруч тайёрлаш ҳамда улардан турли мазали таомлар пиширишни, тандирларда хоразмча ва туркманча нон ва патир ёпиш жараёнининг гувоҳи бўлиши мумкин.

— "Улли ҳовли" ёдгорлик мажмуаси билан танишиш асносида сайёҳларда бу ерда олиб борилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳам катта таассурот қолдираётир, — дейди экскурсовод Камронбек Саидов. — Меҳмонхона, туркман халқининг миллий қадрияти — ўтовлар, хизмат бинолари, хуллас, сайёҳлик ва зиёрат туризми учун барча шароит яратилган. Бу, миллий урф-одат ва анъаналарни янада ривожлантириш, маданий мерос объектларининг умрбоқийлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, "Улли ҳовли" ёдгорлик мажмуасининг бугунги қиёфаси нафақат шу ерлик аҳоли, балки меҳмонларнинг ҳам баҳри дилини очиб, яхши кайфият улашмоқда. Илгариги пастқам уйлар ўрнида ушбу мажмуага туташиб кетган намунавий лойиҳалар асосидаги 64 уй-жойнинг 54 таси икки қаватли қилиб қурилган. Янги уйлар табиий газ, ичимлик суви билан таъминланган, алоҳида канализация қудуғи ҳамда иситиш тизимига эга. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган "Обод қишлоқ" дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда ушбу маҳалла аҳли ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Кўчалар кенг, йўл четтларига мевали ва манзарали дарахтлар экилган. Азалий анъаналарга амал қилиб келаётган ғойбуликларнинг ҳар бир кунида ҳамжиҳатлик ҳукмрон. Шу боис қишлоқ аҳли ўзаро аҳил-иноқ, фаровон умр кечирмоқда.

— Бундай бунёдкорлик ишларидан сўнг қишлоғимиз янада обод бўлди, — дейди меҳнат фахрийси Бекберган Сафарбоев. — Аҳоли учун шаҳардагидан кам бўлмаган шароитлар яратиш бўйича олиб борилаётган бундай эзгу ишлардан жуда мамнунмиз. Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, ҳовли-жойлар, ён-атроф, ҳар куни қатнайдиган йўлларимиз обод бўлмоқда. Бу ишларда қишлоқдошларимизнинг бари фаол қатнашаётгани уларнинг шу Ватанга, унинг тақдирига бефарқ эмаслигидан дарак беради...

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир маданий мерос иншооти муайян бир давр, маскан, улуғ шахслар ҳақида маълумот олиш имконини беради. Шу боис уларни асраб-авайлаш, ободонлаштириш ва ёш авлодни тарихга эҳтиром руҳида тарбиялашда қишлоқ аҳли томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам самарали бўлмоқда. Зеро, мавжуд тарихий ва маданий меросдан мақсадли фойдаланиш ўз навбатида ҳудудда туризмни ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мутолаа завқи

"УЧИШГА ҚАНОТ КЕРАК, ЎҚИШГА – ТОҚАТ..."

Дунёда ҳар неки бор — жуфти ёки зидди билан яралган. Барчаси шунга монанд мувозанат асосига қурилган. Шу боис одамни, табиату жамиятни ана шу мувозанат ушлаб туради. Яхшилик ҳақида гапирсак, унинг ҳам зидди бор — ёмонлик, оқники — қора ва ҳоказо. "Моддиятники-чи" деган саволга иккиланмай "Маънавият!" деб жавоб берамиз.

Бугун юртдошларимизнинг моддий аҳволи ҳавас қиладиган даражада. Масалан, ҳар биримиз ўзимизча талқин қилиб кўрайлик: шаҳардаги машҳур ресторанларнинг манзилини, хизмат кўрсатиш сифатини яхши биламиз. Қайси дўконда сифатли ва арзон маҳсулотлар харид қилиш мумкинлиги-ку ёд бўлиб кетган. Ҳатто бу ҳақда яқинларимизга гапиришдан эринмаймиз. Шундай эмасми?! Айниқса, аёлларимизнинг буюм бозорига бўлган айрича ҳаваси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Муқоясадан келиб чиқсак, моддий интилишларимиз — қушнинг бир қаноти қанчалар мустаҳкам! Афсуски, шаҳарнинг қайси нуқтасида китоб дўкони борлиги ҳақида сўрасангиз, кўпчилик мум тишлайди. Аммо ана шундай зиё маскани ҳақида биладиганларнинг борига шукр...

Оламда илмдан қудратлироқ куч йўқ. Халқимиз буни асрлар оша ўз тажрибасидан ўтказиб келган кўпдан-кўп мақолларига жамлаган: "Доно ҳар ерда ҳурматда, нодон ўз элида кулфатда", "Ўқимаган — яланг оёқ, баайни бир қуруқ таёқ", "Олтин ерда қолса ҳам, билимли ерда қолмас", "Учишга қанот керак, ўқишга — тоқат"...

Бир неча йил олдин ғаллароллик ёш ижодкор Бекназар Қоражонов адабиёт ва журналистика тўгарагини ташкил қилди. Ушбу тўгаракнинг номи — "Қақнус". "Ёнар қуш" деган таъриф билан машҳур бу сўз жиззахлик ижодкорлар тилида доимий айланадиган сўзга айланган. Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарида Қақнус ҳақида шундай дейилади:

"Қақнус Ҳиндистонда яшайдиган турфа ажиб бир қушдирким, узун ва қаттиқ тумшуғи бор. Тумшуғида худди най каби бир қанча тешиклар мавжуд. Бу тешиклар юзтага яқин. Қақнуснинг бошқа қушлар каби жуфти йўқ, у болаламайди. Тумшуғининг ҳар бир тешигидан ўзгача овоз чиқаради, ҳар бир овозида ўзгача нола, ўзга бир сир бор. Ҳар бир тешикдан турли-туман оҳангу наволар чиқариб, нола чеккач, барча қушлар, қушларгина эмас, барча жониворлар, ҳатто сувда балиқлар бундан беқарор бўладилар. Барча ваҳший даррандалар жим бўлиб, бу овоздан ўзгача ҳолатга тушадилар.

Файласуфлар унга ҳамроз бўлиб, овозига қараб мусиқа илмини яратдилар."

Ёш китобхонлар, ижодкорлар қалбига маърифат оловини ёқиб келаётган ушбу тўгарак республика миқёсида устоз ижодкорлар назарига тушди. Кўпгина таниқли шоиру ёзувчилар Бекназарнинг фидойи ҳаракатлари билан тўгаракдаги учрашувларга таклиф қилинган. Азим Суюн, Абдусаид Кўчимов, Луқмон Бўрихон, Собир Ўнар, Қозоқбой Йўлдошев каби адиб ва адабиётшунослар тўгарак аъзолари билан суҳбатлар, маҳорат дарслари ўтказган. Айниқса, яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг бу маскан фаолияти билан танишуви ёшларда катта таассурот қолдирди. Ўз навбатида тўгарак фаолияти билан яқиндан танишиб, ҳайратини яширолмаган устоз шоир юздан зиёд китоб совға қилганда, тўгарак аъзоларининг боши осмонга етди.

— Кутубхонамизда 2 мингдан зиёд китобларимиз, шу билан бирга, мингдан зиёд электрон китоблар бор. Тўгаракнинг ҳар бир аъзоси ҳар ойда битта китоб совға қилиб кутубхона фондини бойитади, — дейди Бекназар Қоражонов. — Ҳозирда тўгарак аъзоларининг сони юздан ортди. Тўгаракнинг салмоқли китобга эга кутубхонаси шаклланган. Боиси, турли танловларда ғолиб бўлган ёшларимиз 20-30 китоб билан қайтади. Яқинда Зомин ёш ижодкорлар семинарида аъзоларимиз фаол қатнашиб, энг яхши китобларга эга бўлди. Баъзида китоблар кўпайиб кетса, кутубхонамизга уни сиғдиришнинг иложи йўқ. Шундай пайтлари бир хил номдаги китобларни мактаб ва коллежларнинг фаол ёшларига ёки кутубхоналарга ҳадя қиламиз. Бу билан ҳам тўгарак фаолиятини, ҳам китобхонликни тарғиб қилган бўламиз.

Ўтган ойда Ғаллаорол туман ҳокимлигида "Ҳоким ва ёшлар" учрашувида "Қақнус" тўгараги аъзоси, китобсевар Наргиза Қўшмонова бир таклиф билан мурожаат қилди. У ўзи кутубхона очмоқчи эканини, кутубхонадан ҳамма бепул фойдаланиши мумкинлигини, китоб сотиб олиш учун кредит маблағи зарурлигини билдирди. Шундан сўнг, у ўз қишлоғидаги 37-мактабга кутубхоначи бўлиб ишга жойлашган, бундан ташқари қишлоқ фуқаролар йиғини биносидан унга иккита хона ажратилди. Муаммо жойида ҳал этилди. Ҳозирда Наргиза уч миллион сўм маблағ эвазига кутубхона учун китоблар харид қилди. Масканга аъзо бўлиб, китоб ўқиётганлар сони анча кўпайиб қолган. Бу китобсевар қизнинг саъй-ҳаракати қишлоқдошларини ҳам ҳайратга солди...

Ўтган йили Муҳаббат Исматова ўзи яшаётган Лалмикор қўрғонида Мирзо Абдулқодир Бедил номидаги адабиёт ва китобхонлик тўгарагини очган эди. Туман ҳокимининг ёшлар билан учрашувида Муҳаббат ўз таклифини айтди: тўгаракка яхши жой ва унинг кутубхонаси учун 200 та китоб керак! Бу муаммо ҳам жойида ҳал этилди: тўгарак учун ҳудуддаги Лалмикор саноат касб-ҳунар коллежидан каттагина хона ажратилди. Учрашувда китоб масаласи ҳал этилажаги ҳақида ҳам ваъда берилган эди. Қарангки, бу ҳокимнинг ёдидан кўтарилмаган экан. Бир катта тадбирда туман ҳокими Абдурашид Йўлдошев Муҳаббатга икки юзта эмас, уч юзта китоб совға қилди.

— Катта сариқ сандиқни кўриб шошиб қолдим, — дейди Муҳаббат. — Уни автомашинага юклаб беришди. Худди эртакдаги Зумраддек ҳис қилдим ўзимни. Эртакда бўлганидек, онам қўшниларни чақирди, бирга сандиқни очдик...

"Адабиётнинг бош ғояси инсонийлик экан, инсон инсоний туйғуларсиз қандай кун кўради, бусиз одамни — одам деб бўладими?

Мен аминман: одамзод бора-бора бу ўйинчоқлардан чарчайди, зерикади, яна китобга қайтади. Чунки барининг онаси — китоб, адабиёт. Бадиий асарлар келажакда балки Интернет орқали тарқалар ёки бошқа воситалар пайдо бўлар, бироқ гап шаклда эмас.

Мен яна китоб, адабиёт замони келишини юрак-юракдан кутиб, шунга умид боғлаб юрган одамман, билсангиз."

Китобхонлик даврасида бўлган суҳбатда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам шу сўзларни минг бир ҳаяжон билан тилга олган эди. Ҳа, бугун умидлар рўёби юз берди. Китоб, адабиёт замони келди. Шубҳасиз, бу маънавият оламидаги улкан силжишни билдиради.

Китоб. Китобхонлик. Кутубхона... Бу сўзлар ҳозир тез-тез тилга олинмоқда. Таъбир жоиз бўлса, анча вақтлар эътиборсизлик сабаб, инқирозга юз бураёзган маънавият йўлида китоб — энг яхши уловга, китобхонлик — энг яхши дўстликка, кутубхона — бу йўллардаги энг яхши бекатга айланди. Нима деймиз, келажак, такомил сари дадил бораётган ана шу уловимизга, китоб билан дўстлигимизга, ана шу чиройли бекатимизга кўз тегмасин. Бу ривож бардавом бўлсин.

Шоди ОТАМУРОД,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тараддуд

ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИ

УНГА АЙНИ ПАЙТДА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ўзбек миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида миллий мумтоз санъатимизга хурмат ва эътибор туйғуларини камол топтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги қарорига асосан Шаҳрисабз шаҳрида шу йилнинг 6-10 сентябрь кунлари Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбек миллий мақом санъати маркази ҳамкорлигида ушбу бетакрор санъат байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди. Унда таъкидланишича, анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Айни пайтда ана шу режага асосан иш олиб борилмоқда. Анжуманнинг очилиш маросимида Бухоро, Хоразм ва Тошкент-Фарғона мақом йўналишлари бўйича вилоятлар мақом ансамбларининг мусиқий чиқишлари назарда тутилган. Шу билан бирга Шаҳрисабз ёш мақомчилари ижроси ҳамда Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли томонидан "Бузрук", "Рост", "Наво", "Дугоҳ", "Сегоҳ", "Ироқ" мақом намуналаридан композиция тайёрланмоқда.

Анжуман доирасида "Мақом санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзусида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияга тайёргарлик кўриш, жумладан, конференцияда хорижий давлатлардан иштирок этадиган мусиқашунос ва мақомшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлар рўйхатини шакллантириш, уларни тақдирлаш сценарийси ишлаб чиқиш белгиланган.

— Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган мазкур халқаро анжуманга тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди, — деди Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев. — Олтмишга яқин давлатдан иштирокчилар қатнашиши кўзда тутилаётган анжуманга айни вақтгача 27 давлатдан мурожаатлар бўлди. Республикамиздан мазкур анжуманда саралаш босқичидан ўтган 7 жамоа, 5 яккахон ижрочи ҳамда 6 созанда иштирок этади.

Чора-тадбирлар режасига мувофиқ миллийликни ўзида акс эттирувчи либослар, актёрлар чиқишлари, Оқсарой ҳудудидаги майдонларни ҳудудлар кесимида тақсимлаш, вилоятларга хос миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар акс этган сценарий ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мусиқий кетма-кетлик ва видеороликларни белгиланган муддатларда тайёрлаш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Мақом санъатининг тарихи ва бугунги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган "Мақом нима?" номли китоб ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашрга тайёрланмоқда.

Ишонамизки, бу йил илк маротаба ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжумани санъатсевар халқларни мақом йўллари ва мумтоз намуналаридан кенг баҳраманд этиш, уларни миллий мусиқамизнинг бетакрор садоларига ошно этишда муҳим воқеа бўлади.

Дилфуза МАМАНАЗАРОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир

ЯХШИ ҚЎШИҚ — ИНСОН РУҲИГА ОЗУҚА

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан учрашув ўтказган санасига бир йил тўлиши муносабати билан унда белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш ташкил этилди.

Ўтган бир йил давомида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ Ўзбекистон давлат консерваториясида "Миллий рақс санъатининг ривожланиш тарихи, долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда миллий рақс ва балет санъатини янада юксалтириш, республика бадиий жамоаларида меҳнат қилаётган балетмейстерлар фаолиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, юзага келаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон балетмейстерлар кенгаши ташкил этилди.

Президентимиз бир йил муқаддам зиёлилар билан учрашувда таъкидлаганидек, миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, устоз санъаткорларнинг ўз фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиши ҳамда билим ва тажрибаларини ўргатиш, "оммавий маданият" таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил қилинган "Ўзбекистон халқ артистлари клуби" ҳар ойда икки маротаба йиғилиш ташкил қилиб, ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда маданият ва санъат соҳасидаги муаммоларни ижобий ҳал қилишга кўмаклашмоқда. Клуб аъзолари томонидан ҳудудларда фаолият юритаётган болалар мусиқа ва санъат мактабларида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этилмоқда.

— Мамлакатимизда маданий, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, жамоатчилик эътибори санъаткорлар ижоди, шу жумладан эстрада санъати олдига янги талаблар қўймоқда, — деди Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи Эргаш Даминов. — Марказимиз Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Миллий эстрадани "оммавий маданият" таъсиридан сақлаш, мазмунан саёз, ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи қўшиқ ва клиплар яратилишининг олдини олишда оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ҳамда Интернет сайтлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарур.

2018 йилнинг февраль ойидан "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ҳузурида қўшиқлар ва уларга ишланган видеоклиплар савиясини баҳолаш бадиий кенгаши ўз ишини бошлади. Шу вақтга қадар кенгаш 12 марта йиғилиш ўтказиб, жами 123 видеоклипни кўриб чиқди. Шулардан 15 таси рад этилди, 40 видеоклипга маълум қисмини қайта ишлаш учун тавсиялар берилди.

— Президентимиз ижодкор зиёлилар билан учрашувида қўшиқчиликнинг мақом йўналишига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди, — деди Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов. — Мақом — бу юки оғир ашула дегани. Унда кўнгил нолалари, орзу-умидлар жўш уради. Унинг ривож топиши учун аввало билимли, савияли бастакорларни тарбиялашимиз керак. Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбек миллий мақом санъати маркази учун барча шароитни ўзида мужассамлаштирган алоҳида бино ажратилди. 30 та чолғу асбоби, енгил автомашина, автобус, камера сингари зарур техника воситалари билан таъминланди. Бир нечта иш ўрни очилди. Бундай эътибордан руҳланиб биз ижодкорлар фақат ва фақат ишлашимиз, ижод қилишимиз керак.

Йиғилишда оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение қошида қўшиқлар савиясини эфирга бериш масаласи юзасидан кичик бадиий кенгаш ҳамда Ёзувчилар уюшмаси таркибида ашулалар матнини назорат қиладиган алоҳида бўлим ташкил қилиш таклифи берилди.

Д. МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

БОЖХОНА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ

ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ТЕМИР ЙЎЛ ВАГОНЛАРИНИ САНОҚЛИ ДАҚИҚАЛАР ИЧИДА ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши кўп жиҳатдан импорт ва экспорт товар алмашиш билан боғлиқ. Шу боис юртимизда божхона соҳасини ривожлантириш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар самарадорлиги ошишида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу фармонда давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги чегара божхона постларини замонавий инспекцион-кўрик мажмуалари ва бошқа божхона назоратининг техник воситалари билан жиҳозлаш, инновацион технологияларни жорий этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Чуқурсой техник идора" чегара божхона пости катта ҳажмдаги сканер қурилмаси билан жиҳозланди. Темир йўл вагонларни сканер қилувчи инспекцион-кўрик мажмуа Хитой Халқ Республикасининг грант маблағи ҳисобидан барпо этилди. Давлат божхона қўмитаси ушбу мажмуанинг очилиши муносабати билан тадбир ташкил этди.

Тадбирда Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти, Хитой халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, соҳа ҳодимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йирик ҳажмдаги RF6010 русумли сканер Республикамизга Хитой гранти асосида тақдим этилган дастлабки қурилма ҳисобланади. Келгусида бундай ускунадан яна тўрттасини олиб келиш режалаштирилган бўлиб, уни Хитойнинг "Nuctech Co LTD" компанияси етказиб беради.

— Авваллари бир дона темир йўл вагонидаги юкни текшириш учун унинг хусусиятига қараб 2-5 соат вақт сарфланар эди, — дейди Давлат божхона қўмитасининг Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бўлим бошлиғи Жаҳонгир Исломов. — Йирик ҳажмли сканер қурилмаси ёрдамида эса бу жараён бир неча баробарга қисқаради. Яъни инспекцион-кўрик мажмуасида энди вагонни очмай туриб ҳам ичидаги маҳсулотларни аниқлаш ва уларни товар-юк кузатув ҳужжатлари билан икки-уч дақиқада солиштириш имкони пайдо бўлди. Бу орқали текширув ишларига кўп вақт сарфланишининг олди олинади. Жараённинг мазкур кўриниши нафақат божхона органлари ходимларига, балки ташқи савдо фаолияти қатнашчилари учун ҳам енгиллик яратилишини таъминлайди. Қурилма рентген нурлари ёрдамида вагонларни сканердан ўтказади. Албатта, бу халқаро меъёрлар асосида амалга оширилади ва маҳсулотларнинг хусусияти ва сифатига ҳеч қандай таъсир ўтказмайди.

Тадбир иштирокчилари "Чуқурсой" темир йўл станциясидаги инспекцион-кўрик мажмуаси фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Семинар

Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, у қандай кўринишда бўлмасин, жамият ҳаёти учун жиддий муаммо саналади. Шу боис ҳар бир даврда, ҳар қандай жамиятда унинг олдини олиш, оқибатларини имкон қадар эрта бартараф этиш ва, албатта, унга қарши курашиш йўлида мунтазам ва қатъий саъй-ҳаракатлар олиб борилган.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШ САМАРА БЕРАДИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни ўтказилган жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида оммавий ахборот воситалари олдига ҳам бир қатор муҳим вазифалар қўйилди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: " ...Битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак..."

Видеоселектор йиғилишида қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда "Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни: талаб ва тавсиялар" мавзусида амалий семинар ўтказди.

Тадбирда видеоселектор йиғилишида оммавий ахборот воситалари олдига қўйилган талаблар, ички ишлар идораларининг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ишлари таҳлили, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш мавзусидаги материаллар таҳлили, айбсизлик презумпцияси масалалари, журналистнинг профессинал фаолияти асослари ҳамда касб этикаси ҳақида сўз борди. Унда таъкидланишича, жиноятчилик — бу жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги, аҳолининг хотиржамлигига путур етказишга қаратилган ёвуз куч ҳисобланади. Унга қарши курашишда самарали тизим йўлга қўйилиши нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки унинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутади. Бунга эришиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши, бурчини сидқидилдан бажариши лозим. Зеро, жиноятчиликка барҳам бермай туриб жамиятда турли соҳаларни ривожлантириб бўлмайди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлаштириш орқали фаолият самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида таянч пунктларининг янгиланган жойлашуви тасдиқланди ва унга асосан қўшимча 175 ички ишлар бўлинмаси ва 824 таянч пункти ташкил этилди. Шунингдек профилактика инспекторлари сони 1 минг 102 нафарга кўпайтирилди.

Ҳафтанинг ҳар пайшанбасида "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни", чоршанба кунлари эса "Ёнғин профилактикаси куни" ўтказиб келинмоқда. Маҳаллаларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан бундай кенг қамровли тадбирларнинг уюшқоқлик билан ўтказилиши, ҳеч шубҳасиз, жиноятга нисбатан муросасизлик муҳитини яратмоқда. Ёшларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашга ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

— Ички ишлар идораларининг халқимиз осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиши унинг бирламчи вазифасидир, — деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи Қутбидин Бурҳонов. — Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида соҳада қатор янгиликлар қилинди. Ички ишлар тизимида янги тайинловлар амалга оширилиб, кераксиз хизматлар тугатилди. Ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича ўринбосар лавозими киритилди. Профилактика инспекторлари яшаш жойларида хизмат уйлари ташкил қилинди, уларга узоқ муддатли имтиёзли кредитга "Матиз" автомобили берилди. Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ҳар 6 ойда Олий Мажлис Сенатида, ҳудудлардаги ички ишлар идоралари масъул ходимлари эса ҳар 3 ойда вилоят ва шаҳар депутатларига ҳисобот берадиган бўлди.

Ушбу соҳада олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида жорий йилнинг 6 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноят содир этиш ҳолатлари 38,67 фоизга, жиноят қидирув йўналишидаги жиноятлар эса 38,86 фоизга камайган. Жумладан, қотиллик 17,63 фоизга, ўртача оғирликдаги жиноятлар 42,13 фоизга, оғир жиноятлар 21,72 фоизга, ўта оғир жиноятлар 33,83 фоизга, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 38,23 фоизга, талончилик 58,80 фоизга, босқинчилик 58,60 фоизга, ўғрилик 44,36 фоизга, фирибгарлик 39,21 фоизга, безорилик 50,13 фоизга, гиёҳвандлик 23,32 фоизга камайишига эришилди.

Ички ишлар органлари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш, ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳақида аҳолини хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг матбуот хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси ҳамда унинг қуйи тизимлардаги хизматлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида телевидение орқали 8 минг 286 кўрсатув, 13 минг 677 радиоэшиттириш тайёрланиб, эфирга узатилди, босма оммавий ахборот воситаларида 3 минг 300дан зиёд мақолалар чоп этилди.

Юқоридаги маълумотга эътибор қаратадиган бўлсак, юртимизда босма оммавий ахборот воситалари сон жиҳатдан кўп ҳисобланса-да, лекин жиноятчиликка оид мақолалар матбуотда кам ёритилган. Хўш, бугунги кунда бундай салбий иллатларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш юзасидан матбуотда ўткир таҳлилий материаллар нега кам ёритиляпти? Бунинг сабаби нимада?

Айнан мана шу масалалар семинарда атрофлича муҳокама қилинди. Президентимиз видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, матбуот саҳифаларида "Жиноят ҳақиқати ва адолат" рукни остида мақолалар эълон қилиниши одамларни ҳушёрликка, огоҳ бўлишга, тўғри хулоса чиқаришга ундайди.

— Қайси жамиятда жиноятчилик авж олган бўлса у ерда тараққиёт, ривожланиш, мукаммаллик бўлмайди, — деди Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусаид Кўчимов. — Видеоселектор йиғилишида оммавий ахборот воситаларида юртимизда содир бўлаётган жиноятларни кенг ёритиш масаласи ҳақида ҳам сўз борди. Таъкидлаш лозимки, бизнинг халқимиз маърифатли, ҳар бир янгиликни тўғри қабул қилади ва ўзига тегишлича хулоса чиқаради. Бу борада журналистлар жиноятчилик инсон руҳияти билан боғлиқ эканлигини, унга қарши маърифат билан курашиш лозимлигини тўғри талқин қилишлари керак. Бунда асосий сабаб таҳлил қилиниб, психологлар тавсиясини ўрганиб, жиноят содир бўлган жойларда фаолият юритаётган идора ва ташкилотлар вакиллари фикри ҳам ёритилиши лозим.

Семинарда "Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш мавзусидаги материаллар таҳлили, айбсизлик презумпцияси масалалари" ҳамда "Жиноятчиликка қарши курашиш масалаларини ёритишда журналистнинг профессионал фаолияти асослари ва касб этикаси" мавзуларида ҳам маърузалар тингланди.

Албатта, жиноятнинг олдини олишда жамоатчиликни жалб қилиш, маҳалла институти фаолиятини кучайтириш алоҳида аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда оилада, турмушда содир бўлаётган жиноятчилик кўпайиб бораётгани ички ишлар идоралари ходимлари, журналистлар — хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликни кучайтиришини талаб этади. Профилактика инспекторлари уюшмаган ёшлар ҳаёти билан қизиқиши ёшлар орасида содир этилаётган жиноятчиликни камайтириш йўлида муҳим омил ҳисобланади.

Мавзуни ёритишда журналист ҳар қандай жиноят жамият учун зарарлигини чуқур англаб етиши ва тўғри таҳлил қилиши, жиноят тури нима учун кўпайди ёки камайди — сабабини ёзиши, мавзуни ёритишда муаллифнинг фикри етарли эмаслиги, бунда жамоатчилик билан ишлаш, салбий иллатларга қарши курашишда фаол ёшларни, турли соҳаларда ютуққа эришган инсонларни ибрат сифатида кўрсатиши лозим.

Яна бир жиҳат, ижтимоий тармоқлар ва Интернет саҳифаларидаги асоссиз ва мақсадсиз маълумотлар аҳоли орасида турли миш-мишлар келтириб чиқараётганидир. Бу эса журналистлар ички ишлар идоралари мутасаддилари билан ҳамкорликни янада кучайтиришларини талаб этади. Зеро, жиноятчиликка қарши курашишда иммунитетни оммавий ахборот воситалари шакллантириши зарур.

Семинарда бу мавзуда қалам тебратаётган журналистларга бир қатор тавсиялар берилди. Жумладан, ҳолатни мукаммал ўрганмай туриб ёритмаслик, холисона ёндашиш, кенг жамоатчилик фикри билан қизиқиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада ихтисослашув муҳим аҳамият касб этади. Якунда ҳамма бирдек енг шимариб, муаммолардан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашса, жиноятчиликнинг барвақт олди олиниши яна бир бор қайд этилди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
31 (515) 2018 йил 8 август, чоршанба

Хиёбон

ИМКОНИЯТНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ — ГЎЗАЛ ҲАЁТ АСОСИ ДЕМАК

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Техника фанлари доктори, профессор **Ҳаким МУРОДОВ** билан "Хиёбон"да долзарб мавзу — энергетика соҳасидаги ютуқлар, мавжуд муаммолар, олимлик йўлининг машаққати-ю гашти ҳақида суҳбатлашдик. Олимнинг юртимиз энергетика соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси салмоқли — илмий фаолияти ишлаб чиқариш технологик жараёнларида энергия самарадорлигини ошириш муаммоларининг ечимини топишга йўналтирилган. У 1999 йилда мамлакатимизда биринчи бўлиб "Энергетик тизимлар ва мажмуалар" мутахассислиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бугунги кунда "Ўзбекэнерго" акционерлик жамиятининг Илмий-техника маркази директори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

— Жамият ривожини энергетика тараққиётисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон энергетика тизимининг бугуни ва ривожланиш истиқболи хусусида тўхталсангиз...

— Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий қудратида — энергия биринчи ўринда туради. Бугун Ўзбекистондаги мавжуд электр станцияларининг умумий қуввати Марказий Осиёдаги энергия ишлаб чиқариш қувватларининг деярли 50 фоизини ташкил этмоқда. Юртимиз иқтисодиёти ва аҳолисини электр энергияси билан барқарор таъминлаш, республика энергия тизимини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, электр энергетикаси ва кўмир саноатини ривожлантириш, мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш каби масалалар соҳа олдида турган муҳим вазифалар саналади. Шу ўринда электр энергияси ҳамда кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантиришда қатнашиш, замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар, хусусан, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш вазифасини амалга оширишни алоҳида таъкидлаш керак. Айни пайтда энергиянинг тикланадиган, шу жумладан, ноанъанавий манбаларини ривожлантириш ва жорий этиш, республика корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда электр энергиясини тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ҳамда исроф бўлишини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш, соҳа кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги давр соҳага ташқи инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш асосида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, истеъмолчи ва таъминотчи муносабатларини тартибга солиш, бозор муносабатларини тўлиқ жорий этиш, хусусан, электр энергияси бозорини тўлиқ шакллантиришни талаб қилмоқда.

Айни пайтда электр энергиясини ҳосил қилувчи қувватларни ошириш, магистрал ва тақсимлаш электр узатиш линияларини реконструкция қилиш бўйича "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан қабул килинган дастурлар асосида бир қанча истиқболли лойиҳалар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Халқаро кредит институтларининг инвестициялари тўғридан-тўғри жалб қилинаётир.

— Электр энергиясини ҳосил қилиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш анча сермашаққат жараён. Модомики шундай экан, энг аввало, энергия манбаларини тежаш, ундан самарали фойдаланиш йўлларини излаш лозим бўлади, шундай эмасми?

— Мамлакатимизда табиий ресурсларнинг тури кўп, аммо уларни қазиб олиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш катта маблағ ва меҳнатни талаб қилади. Гарчи шундай бўлса-да, истеъмолчиларга энергия ресурслари анча арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, юртимизда энергия ва табиий газ ресурслари ривожланган давлатларга нисбатан бир неча баробар арзон, лекин улардан оқилона фойдаланилмаётгани натижасида таннархнинг пасайишига, маҳсулот ҳажми ўсишига эришиш қийин бўлмоқда. Самарадорликни ошириш учун мамлакатимиз энергетика тизимини ислоҳ қилиш, бу борада аниқ стратегия ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек, электр энергияси етказиб беришда рақобат муҳитини шакллантириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда, ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича бозор механизмларига ўтиш талаб этилади.

Энергия ресурсларидан аҳоли турмуши, ижтимоий объектлар ва иқтисодиётнинг барча тармоғида самарали фойдаланиш, тежаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки энергия самарадорлигини ошириш, энергетик ресурсларни, биринчи галда, Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга бўлган табиий газни тежаш юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг йўл очади.

Хўш, бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин?

Аввалambор, мутахассислар ва аҳолида энергия ресурсларига нисбатан алоҳида муносабатни, уларни тежаш тушунчасини шакллантириш лозим. Бунда, айниқса, табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим. Чунки мамлакатимизда 85 фоиз электр энергияси табиий газ воситасида ҳосил қилинади. Электр энергиясини тежаш — табиий газни ҳам тежаш дегани. Тежалган табиий газ кўп миқдорда қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

Энергия ресурсларини тежаш бўйича тарбияни оиладан, болалар боғчасидан бошлаб, мактаб ва олий ўқув юртларида давом эттириш лозим. Чунки фарзандларимиз интеллекти тез ўсиб бормоқда, улар ҳар қандай қизиқарли ахборотни жадал ўзлаштириб боради. Шунинг учун нафақат чақириқлар билан энергия тежашга даъват этишимиз, балки оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали энергия турларининг захиралари, уларни ҳосил қилиш мураккабликлари ҳақида маълумотлар бериб бориш зарур.

Бугун республика саноат корхоналарида энергия сарфи жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан юқори. Бу каби камчиликларни бартараф этиш зарурати асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ёки иссиқлик электр станцияларида табиий газни тежаш мақсадида буғ-газ, газ-турбина агрегатларини жорий этиш ва эксплуатация қилиш, турли хил ёқилғиларни қайта ишлаш ва самарали ёқиш бўйича юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича соҳа ходимларини тайёрлаш, корхоналарда кадрлар кўнимсизлигига барҳам бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Муқобил энергия манбаларидан ва ускуналардан фойдаланишни, айниқса, аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, уларни жорий этиш ва сервис хизмати кўрсатиш бўйича тадбиркорлик субъектларини янада кўпайтириш жоиз. Чунки бу ҳаракатлар, ўз навбатида, энергиянинг қайта тикланмайдиган, бугунги кунда биз фойдаланишга кўникиб қолган табиий ресурслар, хусусан, табиий газ ва электр энергиясини тежашда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада дунёнинг етакчи, лекин табиий ресурслар тақчил бўлган Япония тажрибасини мисол келтириш мумкин. Масалан, уйларни иситиш тизимларида иссиқлик ташувчи сифатида сув эмас, ишлатиб бўлинган ва регенерацияланган мойлардан фойдаланилади. Чунки мутахассислар яхши билади, сувнинг иссиқлик сиғими мойга нисбатан анча юқори, яъни сувни қизитишга мойга нисбатан икки баробар кўпроқ энергия сарфлаш талаб қилинади. Қолаверса, иситиш тизимининг техник ҳолати ҳам яхши сақланади — зангламайди. Иссиқ сув ҳосил қилишда қуёш панелларидан фойдаланиш ҳам катта миқдордаги табиий газ ва электр энергиясини тежаш имконини беради.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу тармоқларда самарали, энергия тежамкор қувватлар ишга туширилса, энергия сарфини 2-2,5 баробарга камайтириш мумкин. Бунда, айниқса, жаҳон стандартлари асосидаги энергетик менежмент тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Пировардида корхоналарда нафақат технологик кўрсаткичлар яхшиланади, балки энергияни тежаш тизими жорий этилади, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишнинг барча босқичида фаолият олиб борувчи раҳбарлар, инженер-техник ва ходимларнинг энергия тежаш бўйича малакаси ва масъулияти ортади. Тажриба-синов тариқасида "Бекободцемент" ва "Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятларида энергетик менежмент тизимининг жорий этилгани ўзининг ижобий натижасини берганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

— Ҳар бир соҳа ривожида етук ва малакали кадрлар алоҳида ўрин тутади. Ёшларнинг энергетика соҳасига қизиқишини янада ошириш, соҳани илмий жиҳатдан ўрганишга иштиёқ пайдо қилиш учун қандай тавсиялар берган бўлардингиз?

— Дарҳақиқат, соҳа олдида турган вазифаларни бажаришда кадрлар масаласи ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Бу эса энергетика соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ҳам ҳамкорликни кучайтиришни талаб қилади. Айни пайтда энергетик хавфсизлик, энергиянинг қайта тикланадиган турларидан фойдаланиш, юқори кучланиш техникаси, метрология, стандартлаш ва энергетикада бошқарувнинг ахборот-коммуникация технологиялари, энергетик аудит, энергетик машинасозлик ва кабель техникаси тармоғи учун мутахассислар сув билан ҳаводек зарур.

Мамлакатимизда фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш бўйича йўлга қўйилган миллий тизим иқтисодиётимизни модернизация қилиш, Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини янада юксалтириш, жаҳон илм-фани билан ҳамқадам ривожланиш имконини бермоқда. Агар шу кунларда энергетиканинг ривожланиш истиқболлари, соҳанинг кундалик илмий-амалий муаммоларини ҳал қилиш бўйича илғор ечимларни акс эттирадиган "Ўзбекистон энергетика хабарномаси" илмий-амалий журнали ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари мактаблар, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг энергетика соҳасига қизиқишини шакллантириш, олий таълим муассасаларининг 1-курс талабаларига "Мутахассисликка кириш" каби предметларни ўқитиш муҳим вазифа саналади. Қолаверса, ушбу соҳа тарихи ва ютуқларини намойиш этиш ва бир жойга тўплаш мақсадида энергетика музейини ташкил қилиш вақти келди, деб ўйлайман.

Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги янада кенгаймоқда, интеллектуал мулк муаллифлари моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириб келинмоқда. Натижада эртанги кунимизнинг янада нурафшон ҳамда ютуқларимиз салмоқли бўлишига хизмат қиладиган илмий ишланмалар яратилаётир.

Ҳаётимизнинг ҳар бир онида фаровонлигимизнинг калити, келажак авлодлар олдидаги қарзларимиздан бири бўлган энергия ресурсларини асраб-авайлаш, тежаш борасидаги ҳаракатларимизни янада кенг миқёсда олиб боришимиз, ҳар бир жабҳада исрофгарчиликка йўл қўймаслик барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

— Инсон қаерда фаолият юритишидан қатъи назар унинг ҳаётини қадрдон туйғулар безаб туради. Умрининг асосий қисмини илм-фанга бахш этган қаҳрамонимиз учун ҳеч ҳам эскирмайдиган тушунчалар бугун қай йўсинда бўй кўрсатмоқда?

— Ҳар бир инсон ҳаёт пиллапоялари сари қадам ташлар экан, йиллар силсиласи унга ҳар лаҳзада сабоқ бериб боради. Бу дарсдан ҳар ким ўзича хулоса чиқаради. Умрим давомида мен англаб етган ҳақиқат — ота-она дуоси буюк кучга эга эканлиги. Инсоннинг таянч нуқтаси оиладан бошланади. Интилган киши ҳеч қачон ортда қолмайди...

Болалигим Сирдарё туманидаги Жуман Маманов номли ширкатлар уюшмаси (собиқ "Правда" жамоа хўжалиги)да ўтган, ўша ердаги Ҳамид Олимжон номли 7-умумтаълим мактабида таълим олганман. Ҳар гал ўша қадрдон жойларга борсам, беқиёс кенгликлар, самимий инсонлар мени улуғворликка, шу билан бирга, оддийликка, камтарликка ундаётгандек туюлаверади. Эсимизни таниганимиздан бошлаб ота-онамизнинг қанотида меҳнат билан банд бўлганимиздан, келажакда, албатта, билимли бўлиш кераклигини, ана шунда инсон фаровонликка, гўзал ҳаётга эриша олиши мумкинлигини тушуниб етганмиз. Мактабда таълим берган устозларимизнинг унутилмас ўгитлари бизга ҳаётда доимий ҳамроҳ бўлмоқда. Айниқса, отамнинг XX асрнинг 40-йилларидаги оғир вазият, турмуш қийинчиликлари, етишмовчилик боис ўқий олмагани ҳақидаги ўкинчлари, шу боис менга ҳали мактабга бормасимданоқ китоб совға қилгани ва ҳамиша яхши ўқишга ундагани, бор-йўғи ўрта мактаб маълумотига эга бўлган онамнинг оиламиздаги ўн бир фарзанднинг ҳеч бирини нонуштасиз мактабга жўнатмаслиги ва эрта тонгдан ўчоқ бошида бизга таом тайёрлаш учун куймаланиши соғлом фарзандлар ўстириш масъулияти-ю фидойиликнинг яққол намунасидир. Бунинг натижасида биз фарзандлар барчамиз олий маълумотли бўлдик. Ҳовлимиз тўридаги пастдеккина тандирда онамнинг ёпган нонлари иси ҳали ҳам димоғимдан кетмайди. Эсимда, отам олиб берган ўйинчоқ самолётни тезда бўлакларга бўлиб кўрганим, велосипедимга ёритқич ўрнатганим — келажак тақдиримни белгилаб берган, янгиликка интилиш, техника соҳасига бўлган қизиқиш балки ўша пайтда ота-онамнинг меҳрига йўғрилган ҳолда жўш урган бўлса ажабмас...

— Сўзларингиздан фарзанд келажагида оиладаги муҳит катта аҳамиятга эга эканлигини сезиш қийин эмас. Бу ўринда, албатта, оталар олдидаги масъулиятни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Фарзандлари жамиятда ўз ўрнини топиб келаётган ота сифатида тарбия борасида алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар нимада, деб ўйлайсиз?

— Вақт — олий ҳакам. Фақат инсон ундан унумли ва оқилона фойдаланиши лозим. Ёшлик инсонга бир марта берилади, бу имкониятни бой бермаслик керак. Боланинг болалиги болаларга хос тарзда ўтишини ота-она тўғри йўлга қўйиши лозим. Яқинда бир танишим 5 ёшли ўғлини рус тили, инглиз тили, сузиш сингари яна бир қанча машғулот билан банд қилганини айтиб мақтанди. Уни тинглай туриб, ўйлаб қолдим: шунча машғулот бир бола учун оғирлик қилмасмикан? Мазмундор, тарбиявий аҳамияти катта бўлган — гўзаллик, жисмоний ва маънавий камолот, мардлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, садоқат, мурувват, яхшилик сингари инсоний фазилатлар мадҳ этилган достон, ривоят, эртак ва ҳикоялар тинглаб, болалик тасаввурларини, руҳий-эстетик оламини эзгу ва боқий тушунчалар билан бойитадиган бу ёшда — онг ва қалб шаклланадиган бир паллада болани мушкул машғулотлар билан чарчатиб, ҳаракатдан бездириб қўйиш ҳам яхши эмас, назаримда. Тил ўрганиш, спорт машғулотларига қатнашнинг ўз вақти, мавриди бор. Ўша пайт келганда ота-она эътиборни янада кучайтириши лозим.

Фарзанд тарбиясида эътибор берилиши зарур бўлган яна бир жиҳат — уларнинг ўзи интилиб эришишлари учун йўналишни тўғри белгилаш, Ватан, ота-она, устозлар, қолаверса, жамият олдидаги масъулиятни ҳис қила олишини шакллантириб бориш лозим. Барча нарсанинг муҳайё этилиши болани дангаса қилиб қўяди, ўз устида ишламайди, қолаверса, мақсадни ҳам аниқ белгилай олмайди. Бола эркин фикрлай олишга ёшлигидан ўрганиши керак. Тўғри йўналишни кўрсатиб маслаҳат бериш, хатоларини вақтида тузатиш ота-онанинг фарзанди олдидаги бурчи ва вазифаси. Бунда, энг аввало, ота-онанинг ўзи фарзандига ўрнак бўлмоғи шарт.

"Milliy tiklanish" мухбири
Дилфуза МАҲКАМОВА суҳбатлашди







ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Юртимизда ранг-баранг полиз экинлари етиштирилади. Уларнинг ичида қовун ширинлиги ва фойдали хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам "Бобурнома" асарида заминимиз, хусусан, Андижон қовунларига юксак баҳо бергани бежиз эмас...

"ҚОВУН ЕСАНГ, САҲАР Е..."



Қовуннинг 100 грамида ўртача 33 ккал калория мавжуд. Тўғри, бу кўрсатгич кўп жиҳатдан унинг нави ва ўсаётган иқлимига ҳам боғлиқ. Ушбу полиз экини нафақат ширин, балки калий, кальций, магний, марганец, фтор, фосфор ва натрий каби инсон организми учун зарур минералларга бой. Қовун шамоллаганда фойдали: у иммун тизимини мустаҳкамлайди. Шифокорлар организмда тош тўпланганида ёки буйрак билан боғлиқ касалликларда қовун истеъмол қилишни тавсия қилади.

Қовун стрессга қарши курашиш хусусиятига эга. Хушбўй ҳиди кайфиятни кўтаради, уйқусизлик ҳамда асабийлашишнинг олдини олади. Истеъмол қилинган маҳсулотларнинг организмда қонга айланишида ижобий таъсир кўрсатади, қондаги холестерин миқдорини меъёрида ушлаб туришга ёрдам беради.

Бироқ у қанчалик фойдали хусусиятларга эга бўлмасин, истеъмол қилишда меъёр ва айрим кўрсатмаларга амал қилиш лозим. Масалан, қандли диабет ва ошқозон ярасида уни тановул қилиш тавсия этилмайди. Яна бир ҳолат: қовун одатда қийин ҳазм бўлади. Уни сут ва сут маҳсулотлари билан қўшиб ейиш ҳам зарарли ҳисобланади.

Қовуннинг 300дан ортиқ нави мавжуд. Улар ширинлик даражаси, етилиш даври (иккидан тўрт ойгача), сақланиш муддати ҳамда фойдали хусусиятларига қараб фарқланади.


Қовун асосан август ойидан бошлаб истеъмол қилингани маъқул. Чунки у айнан шу вақтда пишиб етилади. Харидорлар қовун танлашда, аввало, унинг ҳидига эътибор қаратади. Айримлар оғир-енгиллигига қараб чамалайди. Катта, лекин енгил бўлса қовуннинг суви қочган бўлиши мумкин.

Қовун косметологияда юз учун ниқоб сифатида ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, соч толаларини мустаҳкамлайди, ранги ёрқин бўлишини таъминлайди. Юздаги доғларни тозалашда ҳам кенг қўлланилади. Қуритиб, қоқи қилиб ҳам ейиш мумкин. Ундан тайёрланадиган мураббо ва мармеладлар ширин ва фойдали саналади.

Кўп ҳолларда қовунни совутилган ҳолда ейишга одатланганмиз. Аслида уни хона ҳароратида сақлаб истеъмол қилган маъқул.

ТУРФА ОЛАМ

ИНСОН ОНГИ СИРИ АНИҚЛАНДИ



Рокфеллер университети нейрофизиологлари инсон миясида ўзини-ўзи бошқарувчи нейронлар борлигини исботлашди. Улар инсон онги фаолиятида муҳим рол ўйнайди ва миянинг "ретикуляр формация" деб аталувчи бўлимида жойлашган.

Мутахассислар фикрича, инсон уйғонганидан ухлагунигача бўлган вақт орасида асаб тизими фаолиятида асосан йирик нерв ҳужайралари муҳим рол ўйнайди. Улар қон томирларига яқин жойлашган бўлиб, бу томирларнинг меъёрида ишлашини таъминловчи фермент ишлаб чиқаради ҳамда қоннинг мушакларга кислород етказиб беришини яхшилайди.

Олимларнинг таъкидлашича, нейронларнинг организм учун аҳамияти шу даврга қадар тўлиқ ўрганилмаган. Бу бўшлиқни тўлдириш мақсадида мутахассислар у ёки бу генни қайси нейрон бошқаришини аниқлаш имконини берувчи retro-TRAP номли технологиядан фойдаланишди. Тадқиқот натижалари "Proceedings of the National Academy of Sciences" журналида эълон қилинган.

Америкалик мутахассислар инсоннинг тетик бўлиши сирларини ўрганаётган бир вақтда Буюк Британиянинг Суонси университети олимлари одамнинг туш кўришида нейронларнинг қандай аҳамиятга эга эканини аниқлашга уринишди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, туш кўриш аввало, инсон кун давомида дуч келган ҳолатларни ва ҳиссиётларни англашга ёрдам берар экан. Олимлар ўз фикрини тушдаги асосий тасвирлар кўп ҳолларда кун давомида рўй берган воқеа-ҳодисаларнинг аниқ тасвири бўлиши билан изоҳлашмоқда. Хотирада қолган бу воқеаларнинг уйқу чоғида қайта тикланишини эса асаб тизимидаги йирик ҳужайралар таъминлайди.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими; 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 816, Адади — 3912. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Нигора НИШОНБОЕВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.20. ЎзА якуни — 22.30

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56